



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 17 июнь, № 127 (7907)

Пайшанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРИ ВА ТАТАРИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР БОРЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 июнь куни Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов бошчилигидаги Россия делегациясини қабул қилди.



Мамлакатимиз ҳудудларининг Татаристон билан ўзаро манфатли ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари Тошкент вилояти мисолида кўриб чиқилди.

Устувор йўналишларда кооперация бўйича кўшма лойиҳа ва дастурларни самарали илгари суриш учун кенг имкониятлар мавжуд экани алоҳида таъкидланди. Бўлиб ўтган икки то-

монлама ишбилармонлар форумининг самарали натижалари ҳам буни яна бир бор тасдиқлади.

Кўшма индустриал парк ташкил этиш, кимёвий, металл, электротехника маҳсулотлари ва турли ускуналар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича юқори технологик корхоналар барпо этиш, кўшма тадқиқотлар ўтказиш,

рақамлаштириш ва инновацион ечимларни жорий қилиш лойиҳалари шулар жумласидан.

Учрашувда талаб юқори бўлган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кўпайтириш мақсадида кенг савдо-логистика тармоғини ривожлантириш зарурилги қайд этилди.

Бундан ташқари, шаҳарсоз-

лик, уй-жой коммунал хўжалик ва ободонлаштириш соҳасини бошқариш, транспорт коммуникациялари ва инфратузилмасини такомиллаштириш борасида ҳамкорлик қилиш ва шу соҳалардаги илгор технологияларни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги фаол алма-

шинувлар ҳам давом эттирилади.

Учрашув якунида кўшма “йўл хариталари” асосида муҳим йўналишлар бўйича амалий шериклик лойиҳаларини илгари суриш юзасидан келишувга эришилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ШУНИНГДЕК, ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР КЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, шунингдек, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида (устав капиталда) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) томонидан **Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) **Адлия вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар** билан биргаликда таҳлиллар асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини янада кенгайтириш бўйича доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақлифлар киритиб бурсин.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, уларни оммавий ҳаракатга айлантириш, аҳолининг жисмоний қобилиятини аниқлаш ва рағбатлантириш, зарарли одатлар ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 1 августдан бошлаб **Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими** (кейинги ўринларда — баҳолаш тизими) жорий этилсин ва қуйидагилар унинг **асосий мақсади** этиб белгилансин:

аҳолининг барча қатламлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш орқали жисмоний қобилият ва ҳаракат фаоллигини такомиллаштириш ҳамда зарарли одатлар ва турли касалликларнинг олдини олиш, шунингдек, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш;

(Давоми 2, 3-бетларда).



Акс садо

Марказий Осиё аёлларининг салоҳиятини юзага чиқарувчи форум

Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий ҳамда ишчанлик салоҳиятини юзага чиқариш ва бунинг учун уларга зарур шарт-шароитларни яратиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Куни кеча пойтахтимизда ўтказилган “Марказий Осиё ва Афғонистонда барқарор тараққиёт доирасида хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” мавзусидаги халқаро бизнес форуми ушбу савий-ҳаракатларнинг амалий тасдиғи бўлди.

Ёдингизда бўлса, ушбу нуфузли форумни ўтказиш

ташаббуси давлатимиз раҳбари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида илгари сурилган эди. Орадан ўтган вақт мобайнида юртимизда мазкур анжуманга пухта ҳозирлик қўрилди. Айни чоғда юқори савияда ташкил этилган ва ўтказилган форум Марказий Осиё аёллари салоҳиятини юзага чиқарувчи мулоқот майдони сифатида эътироф этилди.

3-саҳифага қаранг.



Нуқтаи назар

Яқинда “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган Олий Мажлис Сена-ти аъзоси, сиёсатшунос Кудратилла Рафиқовнинг “Миллат-парвар” мақоласида кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга кенг шарҳ берилди. Хусусан, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигида юз бераётган инқилобий ўзгаришлар чуқур таҳлил этилар экан, пахта сиёсатидан халқнинг озод қилингани улар орасида энг муҳими эканлиги алоҳида эътироф этилган.



ПАХТА СИЁСАТИ ВА МОНОКУЛЬТУРАСИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ КЛАСТЕР ҒОЯСИ УНДАН ЧИҚИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

“Шавкат Мирзиёев дадил амалга оширган яна бир муҳим жиҳат шуки, буни мен озодликка эришганимиздан кейинги буюк ва тарихий ислохот, деган бўлардим, пахта далаларига сочилиб кетган миллат боғчаларини егитлардан қайтариб олди. Унинг эгилган боши, тупроққа қоришиб кетган қадр-қимматини тиклади... Мамлакат халқаро ҳамжамият олдига “Боғлар меҳнати”, “Аёлларни оғир ва хатарли меҳнатга жалб қилиш”, “Мажбурий меҳнат” деган таъна-дашномлар, исноддан қутулди, турли иқтисодий чекловлардан озод этилди”, деб ёзади муаллиф.

Дарҳақиқат, ислохотларнинг янги даври бўлмиш охириг беш йилликда пахтадан “сиёсий экан” туси том маънода олиб ташланди. Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификация қилиш, соҳа-

га бозор иқтисодиёти тамойилларини амалда жорий этиш, пахтачиликда тўлиқ кластер тизими-га ўтишга қаратилган тарихий қарорлари бун-да ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёкубовнинг ўша машҳур, 1989 йил 16 июнда Москвада сўзла-ган нутқида айтилганидек, стратегик хом ашё деб қаралган пахта етиштириш, “оқ олтин” мус-тақиллигини таъминлаш бўйича ўртага ташлан-ган машъум шиор деҳқонларимизни ҳамма-ҳамма нарсадан мосуво қилган эди. “Айнан уларга те-гишли бўлган замин: кўрса кўз қувонадиган неча юз минг гектарлик кўрам ва серҳосил боғ-роғ-

лар, солланиб турган ям-яшил йўнғичқазорлар, салқини оромбахш ёнғоқзорлар, ҳаттоки, бодом-зорлар, ахир, шафқатсизларча кесиб ташланма-дими, шудгор қилинмадими?! Мухтарам Чингиз Айтматов бу ерда айтгани каби, чиндан ҳам пахта беҳосият неъматга айланди. Ҳа, мамлакат охи-роқибатда пахта мустақиллигига эришди ҳам. Ҳатто кўз кўриб қулоқ эшитмаган бойликка ҳам эга бўлди. Лекин деҳқонга, унинг аёлига, бола-чақасига шундан нима наф теғди? Саратоннинг жазирасида худонинг берган қуни ўн икки со-атлаб қирт-қирт заҳмат чекиш, ҳатто дам олиш қунлари, байрамларда, таътил нималигини бил-масдан офтоб тигида тер тўкиш шу деҳқоннинг гарданига тушмадими?” деган эди адиб қуйин-чаклик билан.

5

Долзарб мавзу

ЎҚИТИШ ВА БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ЯНГИ ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАЛАРИ

Кеча Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Олий ўқув юртларида ўқитиш ва бошқарув жараёнларини тўлиқ рақамлаштиришнинг муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда қабул қилинган олий таълим тизими 2030 йилгача ривож-лантириш концепциясида олий таълимни тизимли ислох қилиш орқали Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қатор устувор йўналишлар белгилаб берилган. Олий таълимни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган концепцияда бел-гиланган бир қатор чора-тад-бирлар олий таълим муас-сасаларини жаҳон таълим ти-зими билан интеграциялашу-вига етакловчи “драйвер”

вазифасини ўташи, соҳадаги замонавий рақамлаштириш тараққиётга эришишда энг муҳим омил сифатида эъти-роф этилади.

Бу концепциянинг қуйида-ги йўналишларини ўз ичига олади:

— халқаро тан олинган та-шилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муас-сасалари рўйхатида республи-камининг камидга 10 та олий таълим муассасаси-ни киритиш;

6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ШУНИНГДЕК, ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари:

а) ҳар йили:
1 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтларига жойлаштириб, **10 мартга қадар** уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар беради;
1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказади;

б) 2021 йил 1 июлдан бошлаб қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни **Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталига** (кейинги ўринларда — Портал) **ва ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб боради:**

амалга оширилган давлат харидлари, шу жумладан, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар);

мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташифр бююрган меҳмонлари кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташифринг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар, бундан давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан, индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (яқуний манфаатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар;

ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ихроси, шу жумладан, объектларни куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автоматотранспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари;

в) 2021 йил 1 июлдан бошлаб ўз ҳузурида фаолият юритувчи жамоатчилик кенгашлари билан биргаликда расмий веб-сайтларида қуйидаги маълумотларни жойлаштириб, уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлайди:

жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);

жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар;

давлат харидларини амалга оширувчи комиссиянинг тасдиқланган аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгалиб турган лавозими); лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган органларнинг ҳудудлар кесимида масъул ходимлари, шу жумладан, ушбу тоифадаги ҳужжатларни беришни ташкиллаштирадиган тегишли комиссия аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, эгалиб турган лавозими).

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Давлат тест марказининг қуйидаги **имтиҳонларни ўтказиш жараёнини интернет тармоғида жонли эфирга узатиш** тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига кириш учун тест ва иқодий (касбий) имтиҳонлар; олий таълим муассасаларининг магистратура (клиник ординатура) босқичига қабул имтиҳонлари;

республикадаги ёки хориждаги олий таълим муассасасидан республикадаги давлат олий таълим муассасасига ўқишни кўчириш истagini билдирган талабалардан олинадиган имтиҳонлар;

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишда талабгорлардан олинадиган тест синовлари.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат тест маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлиқлар ва идораларни жалб қилган ҳолда **2021/2022 ўқув йили қабулига қадар “transfer.edu.uz” платформаси негизида** мазкур бандда кўрсатилган имтиҳон жараёналарини **интернет тармоғида жонли эфирга узатишни таъминлайдиган, барча фойдаланувчилар учун очиқ бўлган “imtihon.uz” веб-платформасини** ишга туширсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

АҲОЛИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ёшларда ирода, ўз кучи ва имкониятларига ишонч каби фазилатларни мустаҳкамлаш, уларда жасорат, ватанпарварлик ва садоқат хислатларини ривожлантириш, юртимиз шарафини ҳимоя қила оладиган, жисмонан бақувват ва интеллектуал салоҳиятли Ватан мудофаасига муносиб захира кадрларни тайёрлаш;

республика ҳудудида, шу жумладан, олис ҳудудларда жойлашган қишлоқлар, овулар, маҳаллаларда аҳолини соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш;

аҳоли жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашнинг халқаро стандартлари ва илғор хорижий тажрибасини татбиқ этиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

баҳолаш тизими бўйича спорт синовлари (кейинги ўринларда — спорт синовлари) **максус ва ихтиёрий равишда аҳолининг етти ёшдан етмиш ёшгача** бўлган қатлами ва ундан катталарнинг жисмоний тайёргарлигини аниқлайди;

спорт синовлари поғона ва мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, **15 турдаги, шу жумладан, узоқ ва қисқа масофаларга югуриш ҳамда сузиш, турникда тортилиш, анжомларни улоқтириш ва бошқа машқлардан иборат бўлади;**

спорт синовлари иштирокчиларига **11 та ёш тоифаси** бўйича эгалиган ўрни ва даражасига қараб **спорт разрядлари ва унвонлари берилади** ҳамда улар моддий ва бошқа совғалар билан рағбатлантирилади;

Туризм ва спорт вазирлиги спорт синовлари тадбирлари **ўтказилишининг ташкилотчиси** ҳисобланади.

бир ой мuddатда имтиҳонларни (тест синовларини) ўтказиш жараёнини интернет тармоғида жонли эфирга узатиш бўйича **техник талабларни** (ўрнатиладиган видеокамералар ва тасвир сифати, жойлашиш схемаси ва бошқалар) ишлаб чиқсин;

мазкур бандда кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилмайдиган масъулларга нисбатан **қатъий жавобгарлик чораларини кўриш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ҳукуматга киритиб борсин.**

4. Қуйидагилар **2021 йил 1 июлдан бошлаб** қайд этилган маълумотларни Порталга жойлаштириш ва уларнинг ҳар чоракда янгиланишини таъминласин:

Хисоб палатаси, Молия вазирлиги, назорат қилувчи органлар — давлат сири бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг муҳофаза қилинишини таъминлаган ҳолда ўтказилган ҳар бир тафтиш ва текширув (назорат объекти номи, тафтиш ёки текширувнинг мақсади ва мuddатлари, уни ўтказган давлат хизматчисининг лавозими, фамилияси, исми) тўғрисидаги маълумотларни (тегишли назорат қилувчи органнинг раҳбарини хабардор этгандан сўнг);

Давлат активларини бошқариш агентлиги — устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортiқ бўлган юридик шахслар ҳамда давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) рўйхатини (давлат номидан акциядор (иштирокич, мулкдор) функцияларини амалга ошираётган ташкилот, корхона ҳудуди, солиқ тўловчининг идентификация рақами, давлат улуши тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда), шунингдек, устав фонднинг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортғичи давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар рўйхатини;

Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиликлари — ўзлари акциядор (иштирокич, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ихроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) ва кузатов кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотларни;

Давлат солиқ қўмитаси — давлат иштирокидаги корхоналар томонидан йил (чорак) якуни бўйича тўланган дивидендлар тўғрисидаги маълумотларни;

Молия вазирлиги — давлат иштирокидаги корхоналарга сарфланган Давлат бюджети маблағлар, тегишлича хориждан жалб этилган маблағлар, шу жумладан, давлат ташқи қарзи суммалари ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни;

Давлат активларини бошқариш агентлиги — давлат муассасалари рўйхатини (ташқил топган санаси, юқори турувчи орган) ҳамда хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни (давлат сирини ташқил этувчи махфий вазифа юклатилган давлат корхоналари ва муассасалари бундан мустасно).

5. Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 сентябрга қадар** Порталнинг давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали билан интеграция қилинишини таъминласин.

6. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **2021 йил 1 августга қадар** доимий равишда янгилаб туриладиган **Ов қилиш ва овчилик ҳўжаликлари тўғрисидаги ахборот базасини** Қўмитанинг **расмий веб-сайтида ва Порталда** ишга туширсин.

Бунда, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда “Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддасида кўрсатилган маълумотлар билан бир қаторда қуйидаги маълумотлар мазкур ахборот базасида акс эттирилишини таъминласин:

овчилик ҳўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги тузилган барча шартномалар, овчилик ҳўжалигини юритиш ҳуқуқи тугатилган ҳолатлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;

ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома берилган барча шахслар ва рухсатномадаги маълумотлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб олишга доир берилган барча рухсатномалар ва улардаги маълумотлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;

Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитасининг ўрмон-овчилик ҳўжаликлари томонидан берилган овчилик йўлланмалари (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси) ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

АҲОЛИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

3. Қуйидагилар:

Спорт синовларининг ўтказилишини таъминлаш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) **таркиби** 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида спорт синовларининг ўтказилишини таъминлаш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳларининг намунавий (кейинги ўринларда — ҳудудий ишчи гуруҳлари) **таркиби** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар белгилансин:

а) Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб: ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларида спорт синовларини ўтказиш “Йўл харитаси” ва мuddатларини белгилаш; ҳудудий ишчи гуруҳлари ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, улар томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиб бориш; спорт синовларини муваффақиятли топширганларнинг юқори рейтинг натижаларини қайд этиш тизимини йўлга қўйиш; ҳаваскор спортчиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлигини яхшилашга йўналтирилган илмий-инновацион тадқиқотлар олиб борилишини қўллаб-қувватлаш; жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида туман (шаҳар)ларда спорт синовлари ўтказилишининг ташқил этилиши, шунингдек, бу борада яратилган шароитларни мунтазам равишда ўрганиб бориш; спорт синовларини топширишда рекорд натижаларни қайд этган голиб ва совриндорларни рағбатлантириш;

7. Агентликнинг **давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш борасидаги вазифаларини белгилаш мақсадида:**

а) Агентлик зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш, шу жумладан, мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар билан белгиланган маълумотларни интернет тармоғига жойлаштириш (эълон қилиш) бўйича мажбуриятлари ҳисобини юритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан оммавий ахборот воситалари орқали самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича чораларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишига кўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларидан келиб чикувчи давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигига оид долзарб масалаларни “Mening fikrim” веб-портали орқали умумхалқ муҳокамасига чиқариш;

Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини узлуқсиз тўлдириш, такомиллаштириб бориш ва янгилаб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишга кўмаклашиш;

оммавий ахборот воситалари орқали давлат органлари ва ташкилотлари хизматчиларига “давлат органлари фаолияти очиклиги, шаффофлиги ва хисобдорлиги” маданиятини сингдириш ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар халқ олдида хисобдорлигини таъминлаш муҳимлиги тўғрисида тушунтриш ишлари олиб борилишини ташқил этиш;

б) Агентлик тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида **Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси** ташқил этилсин;

в) Агентлик:

давлат органлари ва ташкилотларининг очикликка оид қонунчилик ҳўжатларида кўрсатилган талабларни мунтазам равишда бузаётган **айбдор мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига **таклифлар киритиб борсин;**

ҳар йили фаолият йўналиши бўйича эришган асосий ютуқлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида учраётган камчиликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот тайёрласин ва ўз расмий веб-сайти орқали эълон қилиб борисин;

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонун амалга оширилиши устидан **назоратни**, шунингдек, Жаҳон одил судлов лойиҳасининг “Ҳўкуматнинг очиклиги” индикатори бўйича **Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид комплекс чора-тадбирлари амалга оширсин.**

8. Давлат органлари ва ташкилотларининг **ахборот хизматлари** ҳамда **мурожаатлар билан ишлаш бўлимларига** мазкур органларда очикликка оид қонунчилик ҳўжатларининг ижро этилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси юклатилсин.

9. Давлат хавфсизлик хизмати Адлия вазирлиги, Агентлик ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой мuddатда** қуйидагиларни назарда тутувчи **“Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонун** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда қиритилишини таъминласин:

чеклаб қўйилган ахборотлар рўйхати, ундан фойдаланиш ва маълумотларни бундай ахборотлар жумласига қиритиш ҳамда чиқариш асослари, мuddатлари ва тартиби;

чеклаб қўйилган ахборотлар рўйхатига кирмайдиган маълумотларни махфийлаштиришни таққиллаш;

чеклаб қўйилиши фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига таҳдид соладиган ахборотларнинг давлат сирларига қиритилишини ман этиш;

фуқаролар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматчилари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга давлат сирини ташқил этувчи маълумотлар билан ишда фойдаланишга ижозатни расмийлаштириш шартлари ва тартиблари;

ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва илғор тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда давлат сирларини сақлашнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

10. **Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиклик даражасини янада ошириш бўйича “Йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Агентлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси билан

биргаликда **2021 йил 1 октябрга қадар** давлат органлари ва ташкилотларида очикликни таъминлаш бўйича фаолиятни тартибга солувчи, шу жумладан, мониторинг ўтказиш, амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш, очиклик индексини ҳисоблашга қаратилган **Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикани** ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда қиритсин.

12. Белгилаб қўйилсинки, **2021 йил 1 декабрдан бошлаб:**

мазкур Фармоннинг 11-бандида кўрсатилган методика асосида ҳар йил якуни бўйича **давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиклик индекси** аниқлансади;

Агентлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиклик индексини аниқлаш бўйича чораларни кўради, натижаларни ўз расмий веб-сайтлари ва оммавий ахборот воситалари орқали оммага етказилишини таъминлайди.

13. Олий Мажлис палаталарига **ўз расмий веб-сайтларида** қуйидаги маълумотларни жойлаштириш тавсия этилсин:

парламент назорати объектларининг ҳисоботларини эшитиш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар;

Қонунчилик палатасида депутатнинг ҳар бир қонун (қарор) лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этишдаги, сенаторнинг ҳар бир қонунни (қарорни) маъқуллаш ёки рад этишдаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар;

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, сайлов округлари ҳамда уларнинг электрон почта манзиллари ҳақидаги маълумотлар.

14. **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Агентлик:**

а) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини ёритишга оид мақолалар ва телекўрсатувларни ташқил этсин;

б) манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар билан биргаликда **2021 йил 1 декабрдан** бошлаб қуйидаги тадбирлар телеканаллар, шунингдек, интернет тармоғи орқали **жонли эфирга узатилишини таъминласин:**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиялари (ёпиқ мажлислар бундан мустасно);

тарафларнинг розилиги билан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамоат тартибига тажовуз қилувчи, аҳоли соғлиғини сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги, шу жумладан, давлат хизматчиларининг касбий фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга оид ишлар, шунингдек, айрим оилавий низоларга оид фуқаролик ишлари бўйича суд мажлислари (ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно).

15. Мазкур Фармонда кўрсатилган қоида ва тартибларнинг бузилиши **давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчилик бузилиш сифатида баҳолансин.**

16. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Агентлик, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда:

2022 йил 1 январга қадар “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонун лойиҳаси концепциясини;

2022 йил 1 апрелга қадар ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қиритсин.

17. Агентлик Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** қонунчилик ҳўжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар қиритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ихросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Ш.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 16 июнь

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

в) **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** (А.Хаджибаев): барча давлат органлари ва ташкилотларда фаолият юритувчи жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган шахсларни ҳамда жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича масъулларни даврий равишда тиббий кўрикдан ўтказишга; иштирокчиларга юқори савияда тиббий хизмат кўрсатилишига, спорт тадбирлари ўтадиган жойларда зарур тиббий анжомлар, дори воситалари ҳамда тез ёрдам автомашиналари навбатчилиги ташкил этилишига; г) **Санитария-эпидемиологик осийишталик ва жамоат саломатлиги хизмати** (Б.Юсупалиев) — спорт синовлари ўтадиган жойларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена талабларига мос бўлишига; д) **Миллий гвардия** (Р.Джуроев) — спорт синовлари ўтказиладиган, иштирокчилар жойлашадиган, овқатланадиган, таширф буюрадиган жойларда ва уларнинг атроф-худудларида жамоат тартибини сақлашга, йўл ҳаракати иштирокчилари учун ажратилган автотранспорт воситаларини йўл-патруль хизмати автомашиналари ёрдамда кузатишга; е) **Халқ таълими вазирлиги** (Ш.Шерматов) — тизимидаги таълим муассасаларининг ўқувчи ва барча ходимларидан спорт синовларининг қабул қилинишига; ж) **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги** (А.Тошқулов) — тизимидаги таълим муассасаларининг талаба ва барча ходимларидан спорт синовларининг қабул қилинишига; з) **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** (Р.Маматов) ҳамда **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев) — маҳалла ва қишлоқлардаги банд бўлмаган аҳолининг барча қатламидан спорт синовларининг қабул қилинишига; и) **Молия вазирлиги** (Т.Ишметов) — мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатларнинг ўз вақтида молиялаштирилишига; й) **Мудофаа вазирлиги** (Б.Курбанов), **Ички ишлар вазирлиги** (П.Бобожонов), **Фавқулодда вазиятлар вазирлиги** (А.Қўлдошев), **Миллий гвардия** (Р.Джуроев), **Давлат хавфсизлик хизмати** (А.Азизов) — тизимидаги барча ходим ва хизматчилардан спорт синовларининг қабул қилинишига масъул ҳисобланади.

8. Туризм ва спорт вазирлигининг спорт синовларини

муваффақиятли топширган шахслар учун **“Жисмоний тайёргарлик даражаси”** кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, спорт синовларининг махсус талабларини бажарган голиблар I, II, ва III даражали кўрак нишонлари билан тақдирланади.

9. Баҳолаш тизими бўйича ёш кўрсаткичларидан келиб чиқиб спорт синовларининг **махсус талабларини** муваффақиятли бажарган шахслар бир йил мобайнида қуйидаги имтиёзлар ва рағбатлантиришлардан фойдаланади: сафарбарлик қақруви резервидаги ҳарбий хизмат тўловининг **50 фоизини чегирма** билан тўлайди ва мuddатли ҳарбий хизматга биринчилар қаторида устунлик билан юборилади;

махсус талабларни бажарган голибларга (I ўрин) “Темурбеклар мактаби”га тест синовларисиз танловдан ташқари ўқишга киришда;

беғул тарзда давлат туман (шаҳар) кўп тармоқли тиббиёт муассасасида бир марталик чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтади;

махсус талабларни бажарган голибларга (I ўрин) умумий фойдаланишдаги давлат йўловчи ташиш шаҳар транспортда беғул ҳамда худудлараро ҳаракатланишда **50 фоиз** чегирмали тўлов билан имтиёзли юриш ҳуқуқи берилади (такси, шу жумладан, йўналишли такси мустасно); фарзандлари яшаётган жойдаги умумтаълим мактаби, мактабгача таълим ташкилотлари, шунингдек, ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига навбатсиз жойлаштирилади; барча давлат органлари ва ташкилотларининг ходимларига иш жойи ҳисобидан дам олиш масканлари ва санаторийларга беғул йўлланмалар тақдим этилади;

республика миқёсида ишга ёки ўқишга қабул қилинишида жисмоний тайёргарлик талаб этиладиган имтиҳон (олий таълим муассасалари спорт йўналишларида ташқари), синов, амалий машғулотларда устунлик (имтиҳонда максимал балл ёки амалий машғулотлардан озод қилиниши) берилади.

Белгилансинки, мазкур қарор билан белгиланган спорт синовларини ўтказиш ва голибларни рағбатлантириш билан боғлиқ ҳар йилги харажатлар Давлат бюджети параметрларида Туризм ва спорт вазирлиги учун кўзда тутилмаган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

вазирлиги (Ш.Садиқов) ҳамда манфаатдор спорт федерация (ассоциация)ларининг спорт синовларини баҳолаш тизими меъёрлари, спорт разрядлари ва унвонлари, ўтказиш графиклари ва иштирокчилар учун тавсиялар платформасини (www.jtdss.uz) ҳамда спорт синовлари иштирокчилари ҳақидаги ягона электрон базани яратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов): а) **2021 йил 1 августга қадар** спорт синовларининг платформаси (www.jtdss.uz) ва ягона электрон базаси фаолиятини тўлиқ йўлга қўйсин; б) **ҳар йили март ойи** якунига қадар худудлар кесимида спорт синовларини ўтказиш вақти, жойи ва спорт иншоотларининг манзиллари, ҳакамлар ҳақидаги ва бошқа батафсил маълумотларни платформада жойлаштириб борсин ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этсин; в) **ҳар йил** якуни билан спорт синовларини муваффақиятли топширган фуқароларнинг энг юқори натижалари ва рекорд ўрнатганлар тўғрисидаги тахлилий маълумотларни платформада ва ягона электрон базада юритиш амалиётини жорий этсин.

Платформа ва ягона электрон базани ишлаб чиқиш, уларга хизмат кўрсатиш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функциялари Туризм ва спорт вазирлигига юклатилсин.

Туризм ва спорт вазирлиги спорт синовларининг платформаси доимий равишда ҳаққоний ва фаол ишлаб туришига, шунингдек, унинг доимий техник қўллаб-қувватланишига, маълумотларни таҳлил қилиш, тузилган рейтинглар шаффоқлиги ва ошқоралигини таъминлашга масъул ҳисобланади.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов) билан биргаликда “Ягона меҳнат миллий тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида электрон маълумотлар алмашинуви асосида фуқароларнинг шахсий маълумотларини спорт синовлари **муваффақиятли топширилганлиги** тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдириб бориш амалиётини жорий этсин.

12. Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов): а) **бир ой** мuddатда Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими бўйича спорт синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги низомни, “Жисмоний

тайёргарлик даражаси” кўрак нишони ва гувоҳномасининг тавсифларини тасдиқлаш ҳақидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) **икки ой** мuddатда: Давлат статистика қўмитаси (Б.Бегалов) билан биргаликда аҳолининг спорт синовлари билан қамраб олинишини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, барча давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари кесимида рейтинг асосида таҳлил қилиш тизимини жорий этсин;

барча давлат органлари ва ташкилотларининг спорт тарғиботчилари томонидан спорт синовлари ўтказилишини таъминласин ҳамда улар томонидан ходимлар ўртасида спорт синовларини топшириш бўйича тарғибот ишларининг олиб борилишини йўлга қўйсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига спорт синовларини кенг тарғиб қилиш, аҳолини спорт синовларининг мuddати тўғрисида хабардор қилиш мақсадида тегишли телерадиоканаллар эфирда эълонларни намойиш этиш, голиб ва совриндорлар фаолияти ҳамда спорт билан шуғулланишнинг инсон ҳаёти ва саломатлигини таъминлашдаги аҳамиятини тарғиб қилувчи кўрсатув ҳамда эшиттиришларни эфирга узатиш тавсия этилсин.

14. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларни кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Қ.Каримов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 16 июнь	

ОЛИЙ ТАЪЛИМ
ТИЗИМИДАГИ
УСТУВОР ВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАНДИ

1 Таълим жараёни 2001 йилда тасдиқланган стандартлар асосида олиб боришмоқда. Лекин шу даврда Таълимнинг халқаро стандартлари 2 марта янгидан қабул қилинган. Айрим ўқув дарслари замон ва бозор талабига эмас, балки профессор-ўқитувчиларга мослашган. Талабалар ўз йўналишига дахлдор бўлмаган фанлар билан ҳам шуғулланмоқда.

Шу боис мутасаддиларга давлат таълим стандартларини халқаро стандартларга мослаштириш, барча олий таълим муассасаларида ўқув жараёнларини кредит-модуль тизимига ўтказиш бўйича топшириқ берилди. Ўқитиладиган фанларни мазмундан қайта кўриб чиқиб, ортиқча такрорланишларни қисқартириш, бўшаган дарс соатлари ўрнига мутахассислик фанларини кўпайтириш ҳамда талабаларга мустакил илмий изланиш учун имконият яратиш кераклиги таъкидланди. Олий маълумот талаб қиладиган касбларни оптималлаштириб, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур янги касблар билан тўлдирish вазифаси қўйилди.

Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, халқаро таърибада илмий салоҳият 70 фоиздан кам бўлса, бундай университет нуфузли ҳисобланмайди. Ўртимизда бу кўрсаткич жуда паст. Мисол учун 24 та олий ўқув юртининг илмий салоҳияти 25 фоизга ҳам бормайди, 19 тасида бирорта профессор ва фан доктори йўқ, Сўнгги 30 йилда атиги 208 нафар профессор-ўқитувчи хорижда илмий даража олган.

Шу боис Президентимиз келгуси йилдан докторантурага квоталар сонини 2 баравар кўпайтириш, кейинги йиллардан ҳар йили 50 фоизга ошириб боришга кўрсатма берди.

Бунинг учун ҳар йили бюджетдан қўшимча 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Бундан ташқари, ҳар бир тармоқ ўз соҳасига тегишли олийгоҳларга докторантлар квоталари учун яна 10 миллиард сўмдан ажратилади.

Хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётларни тўғридан-тўғри харид қилиш, олий таълим муассасалари фондидаги 4 миллионга яқин адабиётларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш зарурлиги қайд этилди. Барча кутубхоналарни ягона тизимга улаб, талаба ва тадқиқотчилар учун туну кун фойдаланиш имкониятини яратиш, плагиатни бартараф этадиган ахборот дастурларини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Олий таълим муассасаларида бюрократия ва коррупция хавфи кўплиги, бунга чек қўйиш учун ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг тўлиқ рақамлаштириш зарурилги таъкидланди.

Тизимдаги энг муҳим вазифалардан бири — қабул жараёни. Бу йил олий таълимга қабул квотаси сонини ўтган йилдагига нисбатан 13 фоизга оширилиб, 181 мингга етказилмоқда. 1 миллион 500 минг нафардан зиёд ёшлар ҳужжат топшириши кутилмоқда. Йиғилишда ушбу жараёнини карантин ва хавфсизлик талабларини таъминлаган ҳолда, юқори савияда ўтказиш бўйича топшириқлар берилди.

Ётоқхона ўринлари сонини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бугунги кунда талабалар учун қўшимча 149 мингга тураржойга эҳтиёж мавжуд. Ётоқхоналарни тадбиркорлар билан хусусий шериклик асосида ташкил этиш учун олий таълим муассасаси ҳудудидан ёки унга яқин жойдан аукцион орқали ер ажратилиши белгиланди. Бу биноларнинг биринчи ва иккинчи қавати бизнес учун тадбиркорларга берилиб, юқори қаватлари арзон тураржой бўлади. Талабаларга у ерда яшаш харажатларининг 50 фоизи бюджетдан қоплаб берилади.

Йиғилишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таълим йўналишлари ва касблар рўйхатини тасдиқлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш, олий ўқув юртлири бошқарувиغا малакали кадрларни жамлаш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

Марказий Осиё аёлларининг салоҳиятини
юзга чиқарувчи форум

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТИ ИҚТИСОДИЙ
ҲАМКОРЛИК МАЙДОНИГА АЙЛАНМОҚДА



Танзила НОРБОВЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси: — Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва БМТ Тараққиёт дастури томонидан Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки қўмағида ташкил этилган ушбу халқаро форумда минтақамиздаги давлатлар етакчи аёлларидан ташқари, қўллаб-қалқаро ташкилотлар раҳбар ҳамда вакиллари қатнашгани ҳам унинг нуфузи ва аҳамиятидан дарак бериб турибди.

Шунга асосан айтиладиган бўлса, мазкур форум минтақа хотин-қизлари ҳаётида ўзига хос бурилиш ясаши, шубҳасиз. Даржакият, минтақада хотин-қизларнинг иқтисодий йўналишдаги ўзаро ҳамкорлигини ўрнатиш, тўғридан-тўғри бизнес алоқаларини йўлга қўйишга қаратилган ушбу йирик анжуманда нафақат илғор гоълар, балки амалий қадамлар қўйилди. Форум доирасида ишбилармон аёллар кўргазмаси ташкил этилди, бу ҳам ҳар бир иштирокчи учун фойдали бўлди, десак, муболага эмас.

Мазкур форумни ўтказиш учун Ўзбекистоннинг тан-

ланиши ҳам бежиз эмас. Зеро, охириги йилларда юртимизда гендер тенглигини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Ана шу сазй-ҳаракатларнинг эътирофи сифатида Ўзбекистон жорий йилда Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти га раислик қилмоқда.

Сир эмас, минтақамиз аҳолисининг деярли ярми аёллардан иборат. Уларга барча соҳада тенг ҳуқуқлар яратиб бериш долзарб вазифалардан саналади. Қолаверса, бугунги кунда уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги ошмоқда. Марказий Осиё давлатлари парламентларида аёлларнинг ўрни икки қарра ошгани, меҳнатта жалб этилаётганларнинг 65 фоизини аёллар ташкил этаётгани ҳам уларсиз иқтисодиётни ривожлантириш мумкин эмаслигини кўрсатиши баробарида, нозик ҳилқат вакиллари ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Бу борада Ўзбекистонда эътибор кўчагиланлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни 190 та давлат парламентларини бирлаштирган Парламентлараро Иттифок ҳулосасига кўра, хотин-қизларнинг парламент ва ҳукумат доирасида иштироки бўйича Ўзбекистон Иттифоққа аъзо давлатлар орасида 45-ўринни эгаллагани мисолда ҳам кўрса бўлади. Бу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз нафақат минтақадаги, балки қатор ривожланган давлатлар, масалан, АҚШ, Германия, Австралиа, Канададан ҳам юқори поғонага кўтарилди. Ваҳоланки, бундан бир неча йил муқаддам Ўзбекистон бу рўйхатда бор-йўғи 128-ўринни банд этган эди.

Энг муҳими, бу йўналишдаги ишлар мамлакатимизда тобора изчиллик касб этмоқда. Яқинда ўтказилган Олий Мажлиси Сенатининг ялғи мажлисида яна бир муҳим ҳужжат — 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилингани ҳам шундан далолатдир.

Мазкур ҳужжат орқали хотин-қизларни раҳбарликка тайёрлаб, тавсия этиб бориамиз, бандлик масалаларини кучайтириш, уларнинг молиявий ресурсларга эгалик қилиш ҳуқуқларини қатъий талаб қиламиз. Аввалгидек бу вазифаларни фақат хотин-

қизлар масалалари билан шуғулланадиган ташкилотларгина эмас, балки вазирлиқлар, ҳокимликлар ҳам бажаради. Қолаверса, аёлларга кредит ажратиш мақсадида республика даражасида хотин-қизлар мақсадли жамғармаси ташкил этилди. Давлат бюджетидан ҳар йили 300 миллиард сўм ажратилиши белгиланб қўйилди. Энди кредит билан боғлиқ муаммолар барҳам топади, 1,5 миллион хотин-қизни камбағалликдан чиқариш бўйича ишлар янада жадаллашади.

Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномасида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш масаласига алоҳида урғу берилган бўлиб, ўтган даврда бу борада ҳам катта ишлар рўёбга чиқарилди. Хусусан, хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари очилди. Шу кунгача 30 мингга хотин-қизга касб-ҳунар сирлари ўргатилди.

Биз мезонлик қилган мазкур халқаро бизнес форуми хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган эзгу ишлар суръатини оширади.

Яқин истиқболда минтақавий мулоқот ҳамкорлик майдонида айланиб, бутун минтақамизда яшаётган опа-сингилларимизнинг орзу интилишларини рўёбга чиқаришга замин яратилади.

Кези келганда айтиш керакики, қўлнча халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар қўмағида қатор лойиҳалар амалгёта самарали татбиқ этилади-ю, лойиҳа мuddати тугаши билан ишлар бирдангига тўхтаб қолади. Шундан келиб чиқиб, лойиҳалар барқарорлигини таъминлаш учун тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш фикрини илгари сурдик. Бу гоё иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Келгусида ушбу йўналишда ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деган тўхтамга келинди.

Форумда Марказий Осиё етакчи аёллар мулоқоти аъзоларининг қўшма баёноти, Марказий Осиё мамлакатлари тадбиркор аёллари ўртасида барқарор ривожланиш бўйича ҳамкорлик “Йўл харитаси” қабул қилиндики, буларнинг барчаси халқаро анжуманнинг натижаларига бой бўлганидан далолат бериб турибди.

Мавзуси ҳам кун тартибига киритилди. Айнан Марказий Осиё минтақасида аёллар потенциални анча юқори. Уни рўёбга чиқаришни БМТ доим қўллаб-қувватлайди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, бу борада минтақавий ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган ушбу форум эса эътирофга муносиб. Чунки бундай халқаро даражадаги катта тадбирлар ҳамкорлигини ривожлантиради, иқтисодий масалада янгидан-янги имкониятлар эшигини очади. Зеро, ҳамкорликсиз ривожланишга эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан яқинда яна бир катта халқаро конференция ўтказилди. Бу ҳам муҳим ва зарурий ташаббус. Шундай амалий ишлар, иқтисодий ҳамкорликлар орқали муаммоларини енгиб ўташим.

Айтиб ўтиш керакики, 2022 йилда БМТ доирасида яна йирик тадбирлар ўтказилади. Унда албатта, аёллар

Мавзуси ҳам кун тартибига киритилди. Айнан Марказий Осиё минтақасида аёллар потенциални анча юқори. Уни рўёбга чиқаришни БМТ доим қўллаб-қувватлайди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, бу борада минтақавий ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган ушбу форум эса эътирофга муносиб. Чунки бундай халқаро даражадаги катта тадбирлар ҳамкорлигини ривожлантиради, иқтисодий масалада янгидан-янги имкониятлар эшигини очади. Зеро, ҳамкорликсиз ривожланишга эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан яқинда яна бир катта халқаро конференция ўтказилди. Бу ҳам муҳим ва зарурий ташаббус. Шундай амалий ишлар, иқтисодий ҳамкорликлар орқали муаммоларини енгиб ўташим.

Айтиб ўтиш керакики, 2022 йилда БМТ доирасида яна йирик тадбирлар ўтказилади. Унда албатта, аёллар

ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР
ЭШИГИНИ ОЧИШИГА
ИШОНАМИЗ



Аида КАСИМАЛИЕВА, Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши вице-спикери: — Ўзбекистон изчил ривожланмоқда. Мамлакат Президенти шахсан хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиб келаётми. Хусусан, 2030 йилгача Ўзбекистон гендер тенгликка эришишини мақсад қилгани эътиборга молик. Бу ҳақда бежиз гап очмадик. Яқинда 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилингани ва ушбу ҳужжатда хотин-қизларнинг иқтисодий салоҳиятини юзага чиқариш, гендер тенглигини таъминлашга доир қатор вазифалар қамраб олинганидан яхши хабардорман. Масалан, унда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун Давлат бюджетидан ҳар йили 300 миллиард сўм ажратилиши белгиланб қўйилган. Яна бошқа қўллаб-қувватлаш масалалар ўрин олган. Шу вазифалар амалга ошган, Ўзбекистоннинг бу борадаги кўрсаткичлари янада яхшиланишига ишонаман.

Тошкентда Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти доирасида бизнес форумининг ўтказилиши ҳам Ўзбекистоннинг ушбу йўлда собитқадамлигини кўрсатади. Форум аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича фикр ва илгор тақриб алмашиш имконини бергани билан иштирокчилар учун манфаатли бўлди, деб ўйлайман. Тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш, ўзаро ҳамкорлик истиқболларини аниқлаш ҳамда Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон аёллари ўртасида ҳамкорлик ҳамда ишбилармонлик шериклигини ўрнатиш бўйича ўтказилган мулоқотлар ана шундай дейишимиз учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қирғизистон Ўзбекистон билан ҳамма соҳада фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бизда етакчи сектор — енгил санаят. Ушбу йўналиш етакчилари халқаро форум доирасида уюштирилган кўргазмада ўзлари ишлаб чиқарган махсулотларни намойиш этишди. Энг муҳими, улар бу ерда ўзлари учун янги ҳамкорларни топди.

Умуман, мазкур нуфузли халқаро анжуман бошқа иштирокчилар қаторида қирғизистонлик тадбиркор аёллар учун ҳам янги имкониятлар эшигини очиларга ишонамиз.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

Кеча Олий Мажлис Сенатида Президентимиз раислигида шу йил 8 июнь куни ўтказилган қишлоқ ҳўжалиги ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда унда кўтарилган масалаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида семинар ташкил этилди.

ЕРГА ОИД МУЛКИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?

Семинарни Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев олиб борди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари котибиятлари мудирилари ҳамда Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология, Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари қатнашди.

Кайд этилганидек, видеоселекторда белгиланган вазифалар ижроси натижасида 457 мингта янги иш ўрни яратиш ҳамда хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиги бўйича қабул қилинган қарорлар ижроси орқали эса иш ўринларини яна 1,5-2 бараварга ошириш мумкин бўлади.

Семинарда Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Тоқиев озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига тўхталиб, шу йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳўқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Президент Фармонининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти ҳақида ба-тафсил маълумот берди. Хусусан, эндиликда тадбиркорлик учун ерларни тўғридан-тўғри ва текинга бериш амалиётидан бутунлай воз кечилиши ҳамда ерлар ҳамма учун бир хил, ош-қора ва электрон аукцион орқали ҳу-

сусий мулк қилиб сотилиши ёки иж-рага берилиши айтиб ўтилди.

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Э. Гадовев Сурхондарёда бош-ланган таҳрибда асосида, ишсиз аҳолига қишлоқ ҳўжалиги ерларини 10 йил муддатга деҳқончилик билан шуғулланиш учун ижарага бериш тар-тиби жорий қилинишига эътибор қаратди. Бунинг учун галла ҳамда пах-тадан бўшаган ерлардан 100 минг гектар ажратилди ва бу таҳриба кейинчалик республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилди.

Тадбирда Сенат аъзоси И. Наҳиддинов ерга оид мулкий ва ҳўқуқий муносабатларда барқарорлик-ни таъминлаш орқали ерларнинг иқтисодий қийматини белгилаш мақ-садида маҳаллий Кенгашлар аъзо-лари ҳамда сенаторлар ўрганишлар ўтказиб, муаммони аниқлаш лозим-лигини таъкидлаб ўтди.

Жумладан, жойларда сайловчилар билан бўлган учрашуларда ернинг ҳисоб-китобини тақомиллаштириш, пушталаштириш юзасидан тақилар бўлгани, тадбиркорларга ишлаб чиқариш ва хизмат шохобчалари таш-кил этиш учун юқори балл-бонитетга эга унумдор ер майдонлари ажратиш ҳолатлариға йўл қўйилгани ҳамда шу ва бошқа муаммоларни ҳал қилишда ушбу Фармон дастуриламал бўлиши айтилди.

Тадбирда Фармон ижросини таъ-минлашда маҳаллий Кенгашлар ол-дида турган долзарб вазифалар бўй-ича ҳам мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

СИЁСИЙ ТАДБИРГА ТАЙЁРГАРЛИК КўРИШ ВА УНИ ўТКАЗИШГА ҚАНЧА МАБЛАҒ САРФЛАНАДИ?

Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев олиб борган мажлис кўн тартибидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш, Марказий сайлов комиссиясининг айрим қарорларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритишга оид масалалар ўрин олди.

«Сайлов — 2021»

Таъкидланганидек, “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга биноан жорий йилнинг ок-тябрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбе-кистон Республикаси Президенти сайловиға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ хара-жатларни молиялаштириш макс-адида Марказий сайлов комиссия-сига ажратиладиган маблағлар-нинг чекланган миқдори 300 мил-лиард сўм этиб белгиланган.

Харажатлар сметасини шакл-лантириш ва Молия вазирлиги билан келишишда Сайлов кодек-си ҳамда халқаро сайлов стан-дартлари талабларидан, шунинг-дек, аввалги сайловлар таҳриба-сини таҳлили ўрганиш натижа-ларидан келиб чиққан ҳолда, Президент сайловиға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида маблағ талаб этиладиган барча жиҳат ҳисобга олинди.

Жумладан, 14 та округ сайлов комиссиясининг хар бирига 56 миллион 991 минг сўмдан, шу-нингдек, қарийб 10 минг 800 та участка сайлов комиссиясининг хар бирига 11 миллион 813 минг сўмдан маблағ ажратиш режаш-тирилган.

Мажлисда округ ва участка сайлов комиссиялари учун ажра-тилаётган ушбу маблағларнинг 80 фоиздан қўпроғи мазкур ко-миссиялар аъзоларининг иш ҳақи, компенсация ҳамда ягона ижти-моий тўловлар учун сарфланиши қайд этилди. Пандемия шароити-

да сайлов комиссиялари аъзола-ри ҳамда сайловчиларнинг сало-матлиги билан боғлиқ хавфсиз-лигини таъминлаш учун шахсий ҳимоя воситалари ва дезинфек-цияловчи материаллар харидига доир маблағлар ҳам назарда ту-тилган.

Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган ва иж-роси изчил таъминланаётган Сай-лов комиссиялари аъзолари ма-лакасини оширишни ташкил этиш концепцияси бўйича тренерлар ҳамда мониторинг гуруҳи аъзола-рининг округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоллигига жалб этиладиган номзодларнинг били-ми ҳамда кўникмасини ошириш мақсадида “каскад” усулида уюштирилган ўқув машғулотлари учун 18,4 миллиард сўм ажрати-лиши режалаштирилган. Ушбу маблағнинг 92 фоизи тренерлар ва мониторинг гуруҳи аъзолари-нинг иш ҳақини ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент сайловиға тайёргарлик кўриш ва уни ўт-казиш билан боғлиқ марказлашган тартибда харид қилинадиган сай-лов жиҳозлари, зарур моддий-тех-ника воситалари, товарлар ҳамда хизматлар учун ҳам маблағ аж-ратилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг бир қатор қарор-лари сайлов қўнучилигига кири-тилган ўзгартиш ва қўшимчалар-га мувофиқлаштирилди. Жумла-дан, сайлов ва референдумни

ташкил этиш ҳамда ўтказиш со-ҳасидаги ҳўқуқбузарликлар тўғри-сидаги ишлар илгари маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилган бўлса, бундан буюн жиноят иш-лари бўйича туман, шаҳар судлари томонидан кўриб чиқилади. Бу қоида Марказий сайлов комис-сиясининг тегишли қарориди ҳам мустаҳкамланди.

Энди сайловчилар билан учра-шулар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиш жойи ва вақ-ти ҳақида туман (шаҳар) ҳоким-ликлари камда уч кўн олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ўтказилади. Бунда, ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсат-нома талаб этилмайди.

Аввал Ўзбекистон Республи-каси Президенти сайловини ўтказиш-да округ сайлов комиссиялари 9 — 11 нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилади. Бўлиб ўтади-ган Президент сайловида мамла-катимиз бўйича ўн тўртта округ сайлов комиссияси фаолият юритиши, айрим округларда сай-лов участкалари сони мингтагача этиши, сайлов участкаларининг баъзиларида эса уч минг нафар-гача сайловчи рўйхатга олинмиш-га эътибор қилинса, округ сайлов комиссиялари таркибини кенгайти-риш зарурлиги аён бўлади.

Шу муносабат билан Сайлов кодексига киритилган ўзгартишга асосан, Ўзбекистон Республика-си Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссия-лари таркибини 11 — 21 нафаргача белгилаш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорига ўзгартириш ва қўшим-чалар киритилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатларига та-аллуқли бошқа айрим масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади



ЧАҚИРИЛУВЧИЛАРНИ ТИББИЙ КўРИҚДАН ўТКАЗИШ БИЛАН БОғЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Тошкент шаҳри, Хоразм, Бухоро ва Андижон вилоятларида мuddатли харбий хизматга чакирлаётган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳолати назорат-таҳлил тартибидида ўрганилди. Мазкур ўрганиш якунлари кеча қўмита йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қўнунчилик палатаси депутатлари, Мудофаа, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, вилоятларда-ги мудофаа бўлиmlарида ташкил этилган харбий-тиббий ва ҳудудий тиббий комиссиялар масъул раҳбар-лари ҳамда оммавий ахборот воси-талари вакиллари қатнашди.

Қўмита томонидан ўрганишлар жараёнида чакирлувчиларни хар-бий хизматга чакирш тизимини тақомиллаштириш, харбий хизмат-га чакирлаётган фуқароларни тиб-бий кўриқдан ўтказиш, мазкур жа-раёни амалга оширишда очиклик ва ошқораликни таъминлаш, шу-нингдек, мuddатли харбий хизматга чакирш жараёнидаги бир-бирини тасқорловчи тадбирларга барҳам бериш бўйича қўрилаётган чора-ларнинг самарадорлигига алоҳи-да эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, мудофаа иш-лари бўлиmlарида фуқароларни мuddатли харбий хизматга чаки-риш вақтида ташкил этилган тиб-бий кўрик ҳолати, тиббий кўриқ-дан ўтказиш сифати ва самара-дорлигини кўтариш борасида амалга оширилган ишлар ўрганил-ди ҳамда таҳлил қилинди.

Тадбирда қайд этилганидек, 2021 йилги чакирув мавсумида му-дофаа ишлари бўлиmlарида фуқароларни тиббий кўриқдан ўт-казиш учун 188 та ҳудудий тиббий комиссия тузилиб, уларга соғлиқ-

ни сақлаш тизимидан 1,5 мингдан зиёд малакали мутахассислар жалб этилган. 284 мингдан ортик чакирлувчилар тиббий кўриқдан ўтказилган. Мудофаа ишлари бошқармалари қошида тузилган 14 та харбий-тиббий комиссия таркибига 45 нафардан зиёд ма-лакали тиббий мутахассислар соғ-лиқни сақлаш соҳасидан, Мудофаа вазирлиги харбий-тиббий муассса-саларидан 60 га яқин харбий-тиб-бий ҳодимлар жалб қилинган.

Муҳокамаларда депутатлар чакирлувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ ўз ечимини қўйиётган айрим масалаларга эъти-бор қаратди ва уларни бартараф этиш бўйича ўзларининг тақли-ларини берди. Шунингдек, халк ва-киллари ўрганиш жараёнилардан келиб чиқиб, чакирув пунктларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш, зарур тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, тиббий комис-сия аъзоларининг малакасини мун-тазам ошириб бориш, уларни раг-батлантириш каби масалаларни ҳам атрофлича муҳокама қилди.

Йиғилишда тиббий кўриқдан ўтказиш сифати ва самарадорли-гини ошириш, харбий-тиббий ҳамда ҳудудий тиббий комиссия-лар фаолиятида мавжуд муаммо-ларни бартараф этишга қаратил-ган қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан 2020 йил 11 декабрдаги “Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ижросини Самарқанд ва Фарғона вилоятларида назорат-таҳлил тартибидида ўрганиш якунларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари, Сув ҳўжа-лиги, Қишлоқ ҳўжалиги, Молия, Энергетика вазирликлари, “Агро-банк” тижорат акциядорлик банки, “Ўзмилийбанк” АЖ, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳокимлиги вакиллари иштирок этди.

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан вилоятларда муайян тадбирлар амалга оширилган. Хусусан, Самарқанд вилоятида 2021 йилда 19 минг 329 гектар майдонда сув тежовчи технология-ларни жорий қилиш ҳамда суғори-ладиган 9 минг 800 гектар ерни лазерли ускуна ёрдамида текис-лаш орқали 29 минг 129 гектар майдонда сувдан фойдаланиш са-марадорлигини ошириш белгилаб олинган.

Ўрганишларда маълум бўлдики, Фарғона вилоятида жорий йил яку-нига қадар вилоят бўйича 188 минг гектар пахтазорни, 2 минг 228 гек-тар бoғ, 1 минг 450 гектар узум-зорни томчилатиб суғориш, 2 минг 700 гектар далада ёмғирлатиб су-ғориш тизимини жорий этиш, 4 минг 200 гектар шоти етишти-риладиган майдонни лазерли ус-куна орқали текислаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Аммо 2021 йил 1 апрелга қадар сувни тежайдиган суғориш техно-логиялари жорий қилинган майдон-ларга сервис хизмати кўрсатишни

ҳамда ҳар бир туманда камида бит-та сув тежовчи технологияларнинг асбоб-ускуналари ва бутловчи қисмлари савдо шохобчасини таш-кил қилиш белгиланган бўлишига қарамаздан, аксарият туманларда бу баҳарилмаган.

Шунингдек, 10 апрелга қадар талабгорлар билан сув ва электр энергияси истеъмоли бўйича те-гишли шартномалар расмий-лаштириш ҳамда талабномалар му-вофиқ электр энергияси ва сув билан узлуқсиз таъминлаш бел-гиланган бўлса-да, шартномалар тўлиқ расмийлаштирилмагани аниқланди. Бу, ўз навбатида, сув истеъмоқчилари уюшмаси (СИУ) томонидан талабгорларга суғори-тўри тақсимлашда муркаблик-лар келтириб чиқармоқда.

Қайд этилганидек, тижорат банк-лари томонидан фермер ҳўжалик-ларига мазкур технологияни жо-рий қилиш учун имтиёзли асосда кредит берилиши кўзда тутилган бўлса-да, ҳозирги кунда ушбу фер-мер ҳўжаликларига ресурс йўқли-ги айтилиб, кредит ажратилиши мавҳумлиги билдирилган.

Тадбирда кўн тартибидида ма-сала атрофлича муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни барта-раф этишга қаратилган қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Муниҳон ҚАРИМОВА.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ:

Пойтахтимизда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га аъзо давлатлар коррупцияга қарши курашиш идоралари раҳбарлари ва омуьдсманларининг тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда аъзо давлатлар мутасадди идораларининг 40 дан ортик вакиллари иштирок этди.

Мулоқот

Айтиш жоизки, ИХТ — аъзо мамла-катларнинг иқтисодий, маданий, фан ва техникавий ҳамкорлиги бўйича таш-кил этилган халқаро минтақавий таш-килотдир. Мазкур нуфузли минтақавий бирлашманинг асосий мақсади савдо, инвестициялар, инновациялар, транспорт, коммуниқациялар, энерге-тика, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда саноат каби устувор йўналишларда давлат-

лар ўртасида ҳамкорликни ривож-лантиришдан иборат.

Тадбирда ушбу тузилмага аъзо Ўзбекистон, Туркия, Эрон, Покистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон ва Афғо-нистон давлатларининг коррупцияга қарши курашиш идоралари раҳбар-лари ҳамда омуьдсманлари амалга оширилаётган ислохотлар, қабул

қилинган қонунлар ҳамда қарорлар, коррупцияга қарши курашишда омуьдсманларнинг ўрни, бу жараён-да инсон ҳўқуқлари ва эркинликла-рини ҳимоя қилиш қафолатлари ҳақида маълумотлар берди.

Ўзбекистон Республикаси корруп-цияга қарши курашиш миллий кен-гаш раиси Т. Норбоева ҳамда ИХТ Бош котиби ўринбосари Ж. Асанов аъзо мамлакатларнинг коррупцияга қарши курашиш идоралари раҳбар-лари ҳамда омуьдсманлари амалга ошираётган ислохотлар, қабул қилин-ган қонунлар ва қарорлар, корруп-цияга қарши курашишда омуьдсман-ларнинг ўрни, бу жараёнда инсон ҳўқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатлари ҳақида сўз юритди.

Қайд этилганидек, мамлакатимиз-да коррупцияга қарши курашиш — Ўзбекистон Республикаси Олий Ма-жлисининг Инсон ҳўқуқлари бўйича ва-кили (омуьдсман) фаолиятининг усту-вор йўналишларидан ҳисобланади. Шу нуктаи назардан, Омуьдсман давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари то-монидан инсон ҳўқуқлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатлари тўғрисидаги қўнуқчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оши-риб, фуқароларнинг муьрожаатларини кўриб чиқиш орқали уларнинг ҳўқуқ ҳамда эркинликлари чекланишига са-баб бўлган коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш бўйича чоралар кўра-ди. Ушбу йўналишларда Бош прокура-тура, Коррупцияга қарши курашиш

агентлиги сингари идоралар билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Минтақавий мулоқот коррупцияга қарши курашиш борасида қўлиб маъ-лумотлар ва тақилфлар ўртага таш-ланди. Ўзаро таҳриба алмашилди ҳамда соҳа бўйича муносабатлар яна-да мустаҳкамланди.

Анжуманининг яна бир муҳим қисми Минтақавий марказ фаолиятини таш-кил қилишга бағишланди. Қайд этил-дики, марказ Эрон давлатининг Теҳ-рон шаҳрида жойлашди ва унда ИХТ-га аъзо давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш идоралари раҳбар-лари ҳамда омуьдсманларининг ўзаро ҳамкорлиги мувофиқлаштирилди. Минтақавий марказ давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш тизими билан боғлиқ ташкилий масалаларига қўмақлашди. Марказ фаолиятида со-ҳада халқаро таҳриба ҳамда билим алмашин механизми йўлга қўйилди, муҳим сиёсий тадбир ва анжуманлар ўтказилди. Бундай Минтақавий мар-казнинг ташкил қилиниши, ташкилот-га аъзо ҳар бир давлат учун муҳим сиёсий аҳамият касб этади.

Йиғилиш доирасида Олий Мажлис-нинг Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (омуьдсман) Феруза Ёшматова Тур-кия парламентининг Бош омуьдсмени Шероф Малқоч ҳамда Озарбайжон Республикаси Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (омуьдсман) Сабина Алиева билан учрашди ва икки томонлама ҳам-корлик алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича келишиб олинди.

Қатнашчилар анжуманининг корруп-цияга қарши курашиш сиёсатида му-ҳим ўрин эгаллашини инобатга олиб, кўтарилган ташаббуслар, қабул қили-наётган ҳужжатлар ҳар бир давлат учун амалий аҳамиятга эга эканлигини таъ-кидлади. Коррупция — иқтисодий ри-вожланишга катта тўсиқ эканлиги боис ҳалқаро давлатлар савдо ва инвести-ция алоқаларини ривожлантиришда ра-қамли технологиялар ва электрон ти-жоратни кенг жорий этиш масалала-рига тўхталиб ўтилди.

Форум якуни бўйича аъзо давлат-лар ўртасида коррупцияга қарши ку-рашиш сиёсатини амалга оширишда минтақавий ҳамкорликни янада кен-гайтириш юзасидан тақилфлар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

корликни кенгайтириш масалалари ўрин олди. Ал-батта, бу келгусида ўз самарасини беради.

Сабина АЛИЕВА
Озарбайжон Республикаси Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (омуьдсман):



— Ҳамкорликда иш-лашининг фойдали ва са-марали томонлари жуда кўп бўлади. Бунга шу кўн-га қадар ўзаро алоқада фаолият юритиб келаёт-ган нуфузли тузилма — Иқтисодий ҳамкорлик таш-килоти (ИХТ)га аъзо дав-латлар ҳамкорлиги ҳам мисол бўла олади.

Бугунги форум юқори савияда ва ўзаро самимий руҳда ўтказилгани билан ҳам менда катта таассурот қолдирди. Ўзбе-кистон сўнгги йилларда инсон ҳўқуқ ҳамда эр-кинликларини таъминлаш, коррупцияга қарши ку-рашиш ва бошқа соҳаларда ҳам яқин натижа-ларга эришиб бормоқда. Буни жаҳон ҳамжамия-ти ҳам эътироф этмоқда.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлисининг Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (омуьдсман) билан учрашиб, икки то-монлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш юза-сидан ўзаро келишиб олдик. Ўилаймани, бу йўна-лишлар бўйича ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқайди.

Ушбу санада дунё мамлакатлари ер-ларнинг таназзулга учрашини камайтириш бўйича муаммоларни ҳал этишга йўналиштирилган қарорлар қабул қилиб, турли тадбирлар ўтказида ва уларда аҳолининг кенг қатлами фаол иштирок этишини таъ-минлаш орқали чўлланиш ҳамда қўроқчи-ликнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича кенг қўламали амалий ишлар олиб борилади.

Президентимизнинг 2019 йил 22 фев-ралдаги “Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қўроқчиликка қарши ку-рашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

фақат бир мамлакат доирасида чекла-ниб қололмайди. Уларни бутун сайёра-миз кўламида ҳал қилиш зарур. Шу са-бабли ҳам 1994 йил декабрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган резо-люцияга асосан 17 июнь — “Бутунжаҳон чўлланишга қарши кураш кўни” деб эълон қилинган.

Шу билан санада дунё мамлакатлари ер-ларнинг таназзулга учрашини камайтириш бўйича муаммоларни ҳал этишга йўналиштирилган қарорлар қабул қилиб, турли тадбирлар ўтказида ва уларда аҳолининг кенг қатлами фаол иштирок этишини таъ-минлаш орқали чўлланиш ҳамда қўроқчи-ликнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича кенг қўламали амалий ишлар олиб борилади.

Президентимизнинг 2019 йил 22 фев-ралдаги “Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қўроқчиликка қарши ку-рашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги



қарорига асосан, Ўрмон ҳўжалиги дав-лат қўмитаси БМТнинг қаттиқ қўроқчи-ликни бошдан кечирётган ва (ёки) чўлга айланиб бораётган мамлакатларда чўл-ланишга қарши кураш бўйича конвенцияси талабларини бажариш доирасида Ўзе-

кистон Республикасининг миллий вако-латли органи, деб белгиланди. Айни пайтда мамлакатимизда чўл-ланишга қарши курашининг Миллий дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан, ер-лар дегрaдацияси ҳажмини қисқартириш

ёки унинг олдини олиш, дегрaдацияга уч-раган ва чўлланишга дучор бўлган ерлар-ни қайта тиклаш бўйича муайян ишлар амалга оширилиши белгиллаб олинган.

Глобал иқлим ўзгариши шароитида чўлланиш ва қўроқчилик жараёнлари та-биий равишда тезлашар экан, жамият-нинг келгусидаги барқарор ривожланиш ҳамда экологик хавфсизлиги ушбу жара-ёнга қарши курашишнинг инновацион, кре-атив ёндашувирига узвий боғлиқ бўлиб қолади. Шундай экан, Ўзбекистон халқаро муносабатларининг тенг ҳўқуқли субъекти сифатида глобал иқлим ўзгариши шаро-итида чўлланиш ва қўроқчиликка қарши ку-рашиш бўйича зарур чораларни кўриши лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, табиат билан ўзаро муносабатнинг янги сифатли асо-сини қафолатлиги ҳаёт тарзи ва атроф-муҳитга муносабатнинг янги тизими эко-логик барқарорлик ҳолатига қафолат бўла-ди. Бу борадаги асосий вазифамиз эришилган натижаларда тўхтаб қолмас-дан, белгиланган мақсадлар сари дадил олға интилишдан иборат.

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати.

17 июнь — Бутунжаҳон чўлланиш



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ КЛАСТЕР ҲОЯСИ УНДАН ЧИҚИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Афсуски, мушқалликка эришганимиздан кейин ҳам халқимиз асосий экинга айланган пахта машаққатларидан тўлиқ қутула олмади. Гарчи унга нисбат берилмайдиган “стратегик хом ашё” иш-тибоҳининг оҳори аллақонд тўкилган бўлса-да, пахтачиликнинг оғир юки барибир фарзандларимиз, хотин-қизларимиз, қўйингли, миллатимиз елкасини зил-замбилдек босиб, эзгилаб турарди. Фақат Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий иродаси туфайли ҳаммаси ўз ўзанига туша бошлади. Халқимиз пахта мавсумига “кўпга келган тўй” деб қарамайдиган бўлди. Энди йилгим-терим пайтида суяги қотмаган гўдакларни мактаб партасидан ҳеч қим қувиб солмайди. Қуволмайди ҳам. Талаба-ёшлар ўқув йилининг тенг ярмини далада чигит чўшиш билан ўтказишмапти. Бунга жалб этишга бировнинг ҳадди сиймайди!

Бугун замон зайлига ҳамоҳанг қарашлар ўзгарди. Тафаккур уйғонди. Хозирги пайтда ишга талаб, масалага муносабат тамомила бошқача. Ҳа деганда, далага ҳайдаладиган ўқитувчи ва шифокорларнинг кўкрагига шамол теғди. Ҳамма ўз иши билан шуғуллана бошлади. Инчунин, пахтачилик билан даланинг эгаси бўлган деҳқонлар, қишлоқ ҳўжалиги ходимлари, фермерлар ҳамда кластерлар машғул ҳолос.

Аслида ҳам шундай бўлиши керак эмасми?! Афсуски, ҳаётнинг ушбу оддий, аммо аччиқ ҳақиқати қарор топиши учун халқимиз не-не машаққатларни бошидан кечирмади, дейсиз.

II

Президентимиз 2018 йили Сирдарё вилояти фаоллари йилгилишида пахтачилик масаласига тўхталар экан, жумладан, шундай деганди: “Бўлса-бўлмаса пахта эканериш, уни арзон нарҳда хом ашё сифатида сотиш — иқтисодиётни тушунмаслик. Энди пахтани фақат рентабеллиги бор жойларда эканмиз”. Ушанда залда ўтирганларнинг айримлари кутилимағанда янграган бу сўзлар мағзини чақа олмай ханг-манг бўлиб қолишгани рост. Неча ўн йиллар давомида пахта ва ғалладан бошқа зироатни билмаганлар учун бу томдан тараша тушгандек ҳолат эди-да. Эндиликда остонамиз олдиғача чигит кишига мажбур эмасмиз. Ақсинча, пахта майдонлари йил сайин қисқартирилиб, бутун бошли туманларда умуман чигит экилмаяпти. Пахтадан бўшаган майдонларга озик-овқат ва озуқабоп экинлар жойлаштирилмоқда, янги бог-роғлар барпо этиляпти. Зеро, бугунги шиддаткор ислохотлар қўяётган талаб ҳам шу: нимаики кўп даромад келтирса, ташқи бозорда қайси маҳсулотга талаб юқори бўлса, уша экиلسин! Бу мамлакат қишлоқ ҳўжалиғида чинакам янгилашиллар кузатилаётганидан далолат эмасми?!

Айни пайтда Китоб, Асака, Ургут, Булун-



гур, Жомбой, Зангиота, Қибрай, Паркент, Қувасой сингари 30 дан зиёд туманлар пахта етиштиришдан ҳалос этилган. Табиати, иқлими мева-сабзавотчилик учун жуда мос бўлган бундай ерларда ҳўш, мева-чева, поллиз ва картошка етиштирилиб, ички бозор сервитамин неъматлар билан тўлдирилипти, катта қисми эса экспортга чиқарилмақда. Бинобарин, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш дунё афкор оммасининг бирламчи ташвишига айланган хозирги шароитда Ўзбекистоннинг ширин-шакар мева-сабзавотлари пахта хом ашёсидан кўра кўпроқ фойда келтиради.

III

Яқин-яқингача давраларда жаҳон иқтисодиёти, олис-яқин давлатлардаги бугунги аҳвол ҳақида ўзаро баҳс-мунозара кетса, биз, албатта, халқимиз пахтакор эканлигиндан гурунларандик. “Оқ олтин” етиштиришу унинг экспорти бўйича олдинги сафларда эканлиғимизни айтиб мактанишга одатлангандик.

Чиндан ҳам, халқимиз миришкор, деҳқончиликнинг ҳадисини олган. Буёғини сурасангиз, энг катта майдонларда гўза ўстирган ҳам, рекорд даражада ҳосил йиққан ҳам ўзимиз. Бироқ ундан қандай наф кўрдик? Кўкпадан то кузаккача даладан бери келмаган деҳқон, уни битталаб йиғиб-терган қишлоқ аҳли, бирламчи қайта ишлаган саноятчи — борлигини пахтага берганлар қанча даромад олди?

Ҳеч қанча. Ҳа, энди-эндиғина ушбу тармоқнинг фойда-зиёнини амалда ҳис қила бошладик. Аграр соҳа фақатгина пахтачиликдан иборат эмаслигини чуқурроқ англа-

япмиз. Тафаккур кенгайди, фитратимиз янгиланмоқда. Натияжада асл деҳқончилик маданияти қайта тикланяпти.

Гап шундаки, одамларимиз ҳам салат барғи, барокко қарам сингари сабзавотлар, нўхат, мош, ловия каби дуккаклилар, қўнғабоқар, қўнжук, соя каби мойли экинлар етиштириб, пахтадан кўра кўп даромад қўриш мумкинлигини тушуниб етишди. Бу эса ҳар бир ҳудуд зироатчиликда ўз брендини яратишга катта туртки бўлди. Шеробод анорлари ана шу савй-харакатлар маҳсулидир.

Ҳа, Шеробод туманида етиштирилаётган анорларнинг доврўи етти иқлимга кетди, десак, му-болага эмас. Ҳудуд иқлими ҳам анорчиликка мослашган. Сўрхон-дарёда тез-тез эсиб турадиган

Афрон шамолни Шерободни четлаб ўтишига нима дейсиз?! Қолаверса, бошқа жойларда анор танаси анкир, ток сингари қишда қўмилса, бу ерда анорзорларга тупроқ тортишга ҳоҳат йўқ. Шу боис анор экилмаган хонадонлар деярли йўқ ҳисоби. Аникроғи, тумандаги 48 та маҳалланинг 33 таси анор етиштиришга иқтисослаштирилган. Уларнинг маҳсулотига хориқлиқлар талабгир. Ҳар бири 1 килогача тош босадиган ўта мазали “Қора дон”, “Қозоқи” навли анорлар Қозғистон, Россия, Жанубий Корея, ҳатто Европа давлатларига етиб борганига анча бўлди.

IV

Пахтанинг ўзи энгилу иши оғир. Деҳқончасига айтганда, серташвиш экин. Сўғи далада қотган пахтакорларнинг фикрича, бу йилгидек об-ҳаво шароитида чигитни ернинг намига ундирш нечоғли машаққатли келган бўлса, баъзида ёнгарчилик мўлғилидан уруғ-чириб кетгани ҳам кўп кузатилган. Айрим пайтларда энди қўшулоқ кўрсатган ниҳолларни дўл ва жала ер билан яқсон қилгани, оқибатда қайта меҳнат, катта харажат билан тақорор уруғ қадлагани ҳам бор гап.

Энди ўзингиз ўйланг, шунча тер тўккан деҳқон галвир сўвдан кўтарилган пайтда қўжа тикилиб қолса, фойда туғул, қилинган харажати қопланмаса, қўли ишга борадими? Шундай экан, нима қилмоқ керак?

Ишга янғича ёндашу, амалиётга илғор ғояларни жорий этиш зарур. Бу омиллар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан сайловолди урғашувларидек илғари сурилиб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва чуқур қайта ишлашнинг кластер тизимини йўлга қўйиш — энг мақбул йўл сифатида танланди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда илк бор 2017 йилда кенг нишонланган Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари қўнига бағйшланган тантанали маросимдаги нутқиди “...Пахтани



Муртазо РАҲМАТОВ, «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, сенатор.

та хом ашёсининг асосий қисми пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келди. Энг асосийси, ҳосилдорлик бир йилда ўртача 10 фоизга ошгани, пандемиянинг салбий таъсирига қарамадан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилингани қишлоқ ҳўжалиғида ишни ташкил этиш ва юритишнинг инновацион шакли бўлган кластерлар билан боғланмоқда.

Мана, сизга “занжир”ли ишлаб чиқариш усулининг дастлабки натижалари!

Президентимизнинг қишлоқ ҳўжалиғида амалга ошираётган бундай улкан ислохотлари “Хитой мўъжизаси”нинг меъмори дея тан олинган Дан Сяопин тутган йўлни ёдга солади. Тарихдан маълумки, Дан Сяопинга Мао Цзэдундан ўта оғир аҳволдаги Хитой мерос қолган эди. Мао бошлаб берган ўтган асрнинг 60-йилларидаги “катта сакраш” иқтисодий сиёсати Хитойнинг саноат базасини қучайтириш ва иқтисодини кўтариш ўрнига хитойликлар учун фожиага айланди. Дан Сяопин ҳокимиятга келган, ислохотни, энг аввало, қишлоқ ҳўжалиғидан бошлади:

биринчидан, ерни ҳақиқий эгалари қўлига топширди;

иккинчидан, деҳқонларга эркинлик берди;

учинчидан, бюрократик тўсиқлар бекор қилиниб, аграр соҳага аралашувларга буткул чек қўйди.

Натияжа эса ҳаммага маълум. Атиги 10 — 13 йил ичида 1,5 миллиардлик аҳолисини озик-овқат билан тўлиқ таъминлаб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини дунёга экспорт қила бошлади. Шу тариқа Хитой оч ва қашшоқ мамлакатдан жаҳоннинг иқтисодий етакчисига айланди.

Дан Сяопин Мао Цзэдундан фарқли равишда ишчи ва деҳқонларни баланларвоз сиёсий шиорлар билан илҳомлантирмади, балки моддий рағбатлантириш, уларга муносиб меҳнат шароити яратишга бор этиборини қаратди. Пиравардида соҳа гуллаб-яшнади. Мўл ҳосил олиб, юқори даромад кўра бошлаган деҳқонлар ўзлари етиштирган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида кооперация, ассоциация ва кластерларга бирлаша бошлади. Бугун Ўзбекистон аграр ҳаётида ҳам ана шундай манзараларга гувоҳ бўлиш мумкин.

Мисол учун Бухоро вилоятидаги “BCT Cluster”, Тошкент вилоятидаги “TCT Cluster”, Сўрхондарё вилоятидаги “SCT Cluster” кластерларида экин майдонлари қишлоқ аҳолисига оливавий пудрат асосида 1, 3, 5 ва 10 гектардан бўлиб берилмоқда. Бу ерларда доимий ишлайдиган деҳқонлар ернинг

экинни ҳам, тақоррий экинни ҳам етиштириш ва сотиб олиш ана шу тартиб-таомил асосида ташкил этилади. Пиравардида деҳқоннинг қўли энди пул кўради. Гектаридан 40 центнерга ҳосил оладиган оливавий пудратлар 4 миллион сўмдан, ҳосилдорликни 50 центнерга етказганлар 5 — 7 миллион сўмдан ойлик маош олишади. Агар битта оливавий пудратда бир хонадоннинг 4 аъзоси ишлайтган бўлса, бир рўзғорга ойига 20 миллион сўмгача даромад қиради. Де-мак, ўз-ўзидан аён бўладикки, деҳқон қанча яхши ишласа, шунча манфаат кўради, даромади ортади. Шунинг учун деҳқонлар шатнома асосида бириктирилган ер доимо ўзиники эканлигини, ушбу экин майдонида йиллар давомида ўзи, фарзандлари меҳнат қилишга ишон пайдо бўлганлиги туфайли заминга меҳр бериб ишлаган, унумдорлигини оширишга интиляпти.

Илгаридагисиз, давлатимиз раҳбарининг кластер ғоясидан кўзланган мақсад моҳиятини?!

V

Яшириб нима қилдик, яқин-яқингача фермерлар орасида ер сотиш, экин майдонидан пул эвазига томорқа учун жой ажратиш каби номуқбўл ишлар билан машғул бўлганлар ҳам учради. Ҳосилдорлик ва маҳсулот сифатига эса етарли даражада эътибор берилмади. Аламлиси, пахтани фақат экспорт қилиб, эвазига ўн баробар кам даромад олардик. Унумдор ер, тўқин сув бўла туриб, ҳосилдорлик ҳамда рентабеллик пасайиб бораверди.

Бундан тўрт йил аввалги ҳолатни таҳлил этадиган бўлсак, Исроилда пахтадан олинаётган ўртача ҳосилдорлик 53,5 центнер, Австралияда 50,3 центнер, Туркияда 40 центнер, Бразилияда 42,2 центнер, Мексикада 37,6 центнерни ташкил этган бир пайтда, Ўзбекистонда 25 центнердан ошмасди...

Бугун ҳар қарчи ердан самарали фойдаланиш орқали нафақат юқори ҳосилдорликка эришилиш, балки ҳар бир гектар ердан кўпроқ даромад олишга алоҳида урғу берилмоқда. Шунинг учун кластерлар шарофати билан пахта майдони ёнида замонавий тўқимачилик фабрикалари барпо этиляпти. Ҳисмат шу ернинг ўзида толага айлантирилиб, ундан тайёр кийим-кечак тикилмоқда. Ёки кластер қошида минч ёғ заводлари ишга туширилиб, ёғ, совун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Қисқача айтганда, ҳозир аграр соҳа янги инновацион лойиҳалар асосида ривожланиш палласига кирди.

Аслида, кластерларни шакллантиришдан кўзланган мақсад ҳам шаҳар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа қорхо-

“...Пахтани етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига қамраб олган кластер усулига биз Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қарамоқдамиз.”

наларини ҳамда улар билан ягона технология “занжир”да бўлган таълим, илмий, муҳандислик, консалтинг, стандартиштириш, сертификатлаштириш ҳамда бошқа хизматларни уйғунлаштиришдир. Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг бўлми интеграциялашуви туфайли рақобатбардор товарлар яратишнинг яхлит инновацион платформаси вужудга келмоқда. Энг муҳими, бу жараёнлар аҳолининг бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилайтер.

Кластер тизимида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги мутахассислар — деҳқонлар, олимлар, муҳандислар, агрономлар, иқтисодчилар, ветеринарлар, олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари ўқитувчилари, талабалари, илмий ходимлар, ҳўш, барча бир ёқадан бош чиқариб, ягона мақсад сари интилади. Бунинг эвазига пахта етиштиришдан тортиб, толани чуқур қайта ишлашгача бўлган беш босқичли жараёни қамраб олган, худдики, беш бармоқ йиғилиб, бир мушт бўлгани сингари кластерлар ҳам ягона ишлаб чиқариш “занжири”га биришган қудратли агросаноат мажмуи айланаётганини диққатга сазовор.

VI

Кейинги пайтда жаҳон бозориди пахта толасига бўлган талабга қараб, унинг баҳоси ўзгариб турибди. Аммо синтетик, ҳатто бамбук толалари саноатда кенг қўлланиладиган тараққиётнинг ҳозирги босқичида ҳам пахта толасига эҳтиёж айтирли сувайгани йўқ. Ақсинча, аҳоли сонининг кўпайиши, даромади ортиб, турмуши фаровонлашуви каби омиллар табиий маҳсулотга рағбатни қучайтирайтер.

Бироқ масаланинг бошқа нозик жиҳати шундаки, илгари даромаднинг асосий қисми йил бўйи қўли қавариб хирмон кўтарган ўзимизнинг деҳқон ёки фермерга эмас, тайёр хом ашёни чуқур қайта ишлаган чет элдоғи ишлаб чиқарувчилар фойдасига хизмат қилгани барчамизни тафаккур юритишга ундайди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, 1 килограмм пахта толаси хом ашё сифатида сотилса, унинг қиймати 1,5 долларни ташкил этади. Агар ундан қалава йи йиғириб сотилса, ба-

ҳоси 2,5-3 долларга етади, жинси матоси тўқилса 5 — 7 долларгача қиймат қўшилади, шундан жинси шим тикиб, тайёр маҳсулотга айлантирилса, 15 — 25 доллар қўшимча қиймат ҳосил бўлади.

Кластерлаштириш туфайли қўшимча қиймат ўзимизда яратилиб, унинг фойдасини ўзимизнинг қора кўзлар кўра бошлади. Содда қилиб айтганда, кластерларда қишлоқ меҳнатчилари ва саноат ишчиларининг манфаатлари муштараклашди. Кластер иштирокчиларининг барча-барчаси — далада кетмон чопган қишлоқ ҳўжалиги меҳнатчиси ҳамда у етиштирган маҳсулотни чуқур қайта ишловчи саноат ишчилари ҳам яқиний натижадан манфаатдор бўлади.

Шу ўринда кластер қайси омиллар ҳисобига ривожланипти, деган савол туғилиши табиий, албатта. Бу ҳақда тўхталганда, қуйдаги энг муҳим жиҳатларни алоҳида санаб ўтиш, қифоя.

Биринчидан, кластер усулида маҳсулот етиштирувчи ва уни қайта ишловчилар манфаатларининг муштараклиги таъминляпти.

Иккинчидан, у ўзида чигит экишдан тортиб, пахта етиштириш, уни бирламчи ва чу-



Эндиликда қўл теримидан буткул воз кечилмоқда.

қур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишгача бўлган “занжир”ли ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳал-қисини қамраб олмақда.

Учинчидан, кластер иштирокчилари қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш эвазига соҳада йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишда ташаббускор бўлишмоқда.

Тўртинчидан, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш орқали уларнинг бой ва фаровон яшаш учун қўли муҳит яратиб берилляпти.

Бешинчидан, кластерда қишлоқ ҳўжалиги ва саноат интеграциялашуви натижа-

ҳатто ҳосили ҳам қўлда йиғиштириб олинадиган зироат турига айланиб, бу қишлоқ аҳолисининг бош оғриғига айланган азоб эди. Эгатга минг энгашиб, чигитни яғана қилган, бегона ўтлардан тозаланган, саҳармардондан шомгача кетмон уриб, чопиқ қилган хотин-қизлар аксар ҳолларда фақат гўзапола учунгина ишлаганини биласизми?! Афсуски, бу — ҳақиқат!

Кластерлар олдиға қўйилган бирламчи вазифа шундаки, қишлоқ ҳўжалиғида қўл меҳнатини минимал даражага тушириш, механизациялаштиришни максимал даражага олиб чиқишдир. Қолаверса, соҳада кўпроқ иш ўринлари яратиб, меҳнат қилаётган одамларга муносиб иш ҳақи олишини таъминлашдир. Амалда бунга қанчалик эришилипти, дерсиз.

Келинг, бу саволга жавобни Қуйи Чирчиқ туманидаги “TCT Cluster” кластери фаолияти мисолида излаймиз.

Эътироф этиш керакки, ушбу кластер янги тузилманинг афзаллиқларини амалда тўлиқ исботлади. Туманда кластер усулига ўтилмасидан олдин пахтадан гектарига 11 — 13 центнердан ҳосил олинган, ҳолос. Экин майдонлари кластер ихтиё-

рига берилгач, биринчи мавсум — 2019 йилнинг ўзида гектаридан ўртача 35 центнердан пахта етиштирилиб, ялиҳи ҳосил 30 минг тоннадан ошди. 2020 йилда эса 10 минг гектарда гўза парваришланиб, биринчи терим яқунланмасдан туриб, шартномавий режага қийин 34 минг тонна пахта хом ашёси йиғиштириб олинди. Мавсум яқунлари бўйича ўртача ҳосилдорлик 40 центнердан ошди. Бу — масаланинг бир жиҳати.

Унинг иккинчи томони шундаки, туманда фермер ҳўжалиқлари давридаги меҳнатчилар сони 898 нафар, ўртача иш ҳақи эса 550 минг сўм бўлган бўлса, “TCT Cluster”да 8 минг 600 та янги иш ўрни яратилди, ўртача иш ҳақи эса 4 марта кўп — 2,1 миллион сўмга етказилди. 2019 йилда фермер ҳўжалиқлари давридаги 7,9 миллион сўм ўрнига 28,7 миллион сўм, 2020 йилда эса 53 миллион сўм солиқ тўловлари тўланди.

Энг муҳими, пахта-тўқимачилик кластерида мавсумий ишчи деган тушунчага барҳам берилмоқда. Кластерларда одамлар йил — 12 ой бандлиги таъминляпти. Улар худди завод ва фабрикалар ишчиларидек, қишин-ёзин меҳнат қилиб, ойлик маош олишаёттер.

Кластерларнинг кейинги режаси ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини қучайтиришдир. Шу мақсадда кластер тизимида яқин келажақда ҳафтада бир марта “истеъмол саватчаси”ни тарқатиш йўлга қўйилди. Ушбу саватда кластернинг ўзида етиштирилаётган энг муҳим истеъмол товарлари, шу жумладан, гўшт, ёғ, гурuch, уни, сариёғ, сут ва сут маҳсулотлари ўрин олади. “Истеъмол саватчаси”нинг бозордаги нархи ўртача 1,5 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда, кластер меҳнатчиларига маошидан атиги 50 минг сўм ушлашни шунинг эвазига тақдим этилади. Бир ойда кластернинг ҳар бир ходими тўртта шундай саватча олади. Бунинг учун 2 миллион сўм иш ҳақидан бор-йўғи 200 минг сўм ушлаб қолинади ҳолос. Шу тариқа кластер ходимлари оилалари учун қундалиқ озик-овқат маҳсулотларининг барқарор таъминотиға эришилипти. Кластерда пахтачилик билан бирга, чорвачилик, шолчилик, ғаллачилик, балиқчилик тармоқлари ҳам ривожлантирилиши сабабли қишлоқ аҳолиси учун мана шундай имкониятлар пайдо бўлади.

Муктасар айтганда, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакат қишлоқ ҳўжалиғида юз бераётган эврилишлар, айниқса, пахтачиликда кластерлаштириш замирида пахта сиёсати ва монокультурасидан чиқиш, пахтачиликни энг сердаромад тармоқлардан бирига айлантириш, халқимизни оғир меҳнатдан ҳалос этиб, бой қилишдек эзги мақсад-муддолар муҳассамдир. Тоғи, деҳқон унумдорлиғи паст ерларга чигит қадаб, вақтини, нақдини беҳуда совурмасин, тупроқ-иқлим шароитига мос экин экиб, меҳнатига яраша фойда кўрсин. Ҳамма пахта даладарига сафарбар қилинмасдан, пахта етиштириш ва қайта ишлаш билан соҳанинг эгаси — кластерлар шуғуллансин.

Мамлакатимизда пахта хом ашёси етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш салохияти шунчалик юқорикки, ҳар йили ўртача 1 миллион тоннадан ортиқ пахта толаси олинса, уни чуқур қайта ишлаш эвазига 25 миллион долларликдан ортиқ қўшимча қиймат яратиш мумкин. Кластерлар бугун ушбу натижаға эришиш йўлида давлатимиз раҳбарининг инновацион ғояси асосида жиғолашиб, меҳнат қилимоқда.

VII

Пахта техник экин бўлгани билан тўлиқ қўл меҳнати асосида парваришланадиган,

ЎҚИТИШ ВА БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ЯНГИ ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАЛАРИ

— миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқимча-босқич ошириб бориш;

— таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, “Blended learning”, “Flipped classroom” технологияларини амалиётга кенг жорий этиш;

— маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ҳамда ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек, уларни электрон ахборот сақловчиларига юкловчи “E-MINBAR” платформасини амалиётга қўлаш, таълим жараёнларида “булутли технологиялар” дан фойдаланиш;

— масофадан туриб ишлаш имконини берувчи электрон кутубхона тизимига кенг йўл очил;

— олий ўқув юртиларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқимча-босқич жорий этиш;

— хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига олий таълим муассасаларида технакор, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларни ташкил этиш;

— халқаро молия ташкилотлари кўмағида “олий таълимни бошқаришнинг ахборот тизими” — олий таълимнинг ягона ахборот, мунтазам янгиланадиган платформасини жорий этиш ва таълим муассасалари фаолиятининг бошқа муҳим йўналишларини қамраб олиш.

Республика олий таълим муассасалари концепциянинг мазмунини, жумладан, унинг юқорида таъкидланган бандларини давлат ва ҳокимиятнинг устувор йўналишлари ҳамда шарт-шароитларига муносиб муҳитини яратиш масалаларида ягона кўрсатма сифатида тан олиш ва икросини таъминлаш муҳимлиги, шунингдек, ушбу трансформацияларни ишлаб чиқариш соҳасида, маданий ҳамда ижтимоий салоҳиятини минтақавий даражада юксалтириш мақсадида алоҳида аҳамиятга эгалигини таъкидлаш лозим. Ушбу трансформацияларда рақамлаштириш асосий ўринни эгаллайди: ўқув жараёни, олий ўқув муассасаларини бошқариш, таълим сифатини назорат қилиш, таркибий бўлинмалар шулар жумласидандир.

Маълумки, Ўзбекистонда коронавирус пандемияси бошланганлиги тўғрисида олий таълим муассасалари ёппасига онлайн таълим жараёнига ўтишга мажбур бўлди ва айнан шундай шартларда ҳам таълимда рақамлаштиришнинг долзарблиги яна бир бор ўз исботини топди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳозиргача давом этиб келаятган онлайн таълим жараёнида мавжуд бўлган техник ускуналар, воситалар ҳамда таълим усуллари жаҳондаги замонавий таълимнинг янги парадигмаларини қўлашнинг самардорлигини, ушбу янги парадигмаларда рақамлаштиришнинг таълим жараёнида алоҳида ўрнини англаш ҳолати — ўқитувчи ва ўқув жамоалари учун бундан ўзга самарали имкон мавжуд эмаслигини намоян қилди.

Кейинги йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)да бу борада айнан шу кўрсатмаларнинг муҳимлиги илгари сурилмоқда. Ушбу кўрсатмаларга биноан институтининг профессионал, таълимий ва илмий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, концепцияда белгиланган мақсадларга эришишда барча даражада — асистентдан тортиб, ректоргача масъулиятни ўз зиммаларига олиши лозим. Бу иш жойидаги фаолият давомида янги марраларни забт этиш сари дадил қадамлар қўйилиши аниқлашти. Ахир лойиҳаларнинг креатив номланишида, жозибали грантлар ҳамда уларга муносиб иш ҳақлари тўланиши каби бир қатор масалаларда, шунингдек, таълим, ўқув жараёни ва илмий тадқиқотлардаги илгор замонавий ёндашуларда рақамлаштириш мавжудлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бу каби масофавий таълим хизматлари ва онлайн технологияларини ривожлантиришда синф-дарс тизимидан индивидуал таълим жараёнига ҳамда “электрон университет” платформасига ўтиш босқичи — бу рақамли техника воситалари, лаборатория ускуналари ва дастурий махсулотларнинг янги авлодларини ўзлаштириш, хорижий тилларни билиш, уларнинг илмий ҳамда инновацион ишларини амалга ошириш истаклари ва қобилиятлари ҳисобидан, охири-оқибатда ҳар бир иштирокчилнинг шахсий ютуқлари рейтингидан юқори кўрсаткичларга эришишнинг гарови ҳисобидир.

Янги Ўзбекистон таълим тизими



олдида турган инновацион вазифаларда ислохот ва тараққиётнинг муҳим ўрни шуни кўрсатадики, таълим жараёнида юксалиб бораётган гоа ҳамда ёндашувлар тўб муҳитини англашга қодир бўлмаган мутахассислар бошқа соҳаларда фаолият олиб боришларига тўғри келмади.

Барчамизга маълумки, концепция қабул қилинганлигига бир ярим йилдан ошди. Бу белгиланган вақтнинг тахминан 15 фоизини ташкил қилсада, шу қисқа давр ичида биз қандай натижаларга эришганимизни таҳлил этиб кўрсак. Дарҳақиқат, вақтни орқага қайтаришнинг имкони бўлмагани каби, барчамиз олий таълим тизимида концепцияда белгиланган вазифаларни бажариш билан бир қаторда, жаҳондаги замонавий таълимнинг янги парадигмаларини амалда қўлаш муҳимлигини кўрдик.

ТИҚХММИ бугунги кунга қадар аниқ натижаларга эришганлиги ҳеч кимга сир эмас, биз ўз фикр ва тажрибаларимизни очикдан-очик баҳам кўрсак, умид қиламизки, фойдаланган холи бўлмайди.

Келинг, эътиборимизни таълимдаги оммавий синф-дарс шаклидан рақамли технологиялар ва таълим тенденцияларини ахборотлаштиришга қаратилган индивидуал таълим траекториялари босқичига ўтиш каби замонавий ёндашуларга қаратсак.

Биз таълимга стандарт иборалар орқали муносабатда бўлишга одатланиб қолганимиз: “...олий таълим-

янги таълим турларини яратишга интилимимизни ҳам тан олишимиз муҳимдир.

Бундай шароитда истиқболли рақамли таълим технологиялари, янги ахборот-коммуникация воситалари, шунингдек, инновацион педагогик ечимлар ва ижтимоий технологиялардан кенг фойдаланишга замин яратадиган smart-таълим тизими постиндустриал жамият талабларига тўлиқ жавоб беради, десак, муболаға бўлмайди. Ушбу ҳаракатлар smart-жамиятга ўтишда рақамли технологияларни ҳаётнинг қўллаб соҳаларида қўлаш имизга замин яратганлиги ҳаммамизга аён. Бунинг исботи сифатида қўллаб қўзиқарли лойиҳаларнинг амалда жорий этила бошланганлигини таъкидлаш қиёфадир. Жумладан, smart-уй, smart-қишлоқлар, smart-иқтисодиёт, smart-тиббиёт, smart-таълим ва бошқалар.

Маълумки, “кейинги ўн йилликлар” деб номланувчи лойиҳалар қўллаб ривожланган мамлакатларда шаклланиб бормоқда. Улар рақамли платформадаги университетларнинг норасмий бирлашмасини ифодалайди. Бундай лойиҳаларда талабанинг университетдан университетга кўчирилиши, рақамли электрон таълим ресурсларини ягона репозиторий сифатида қўлаш ва умумий ўқитувчилар таркибидан фойдаланиш билан бирга олиб бориладиган умумий “деканат” ташкил этиш режалаштирилган. Россия, Беларусь, Қозғистон ҳамда бошқа мамлакатларнинг университетлари ҳам smart-ёндашув асосида ривожлана бошлаганлиги барчамизга маълум. Бундай тенденцияларни кузатган ҳолда, биз янги билим маданиятини яратиш ва рақамли платформада smart-технологик тизимларни ривожлантириш орқали таълим муаммоларини ҳал қилиш муҳимлигини англашимиз даркор.

Бугунги кунда бундай технологияларнинг ҳар қандай мисоллари, уларни тўлдирish, техник касбун билан бойлиги, ўқув жараёнида улардан фойдаланиш ва Ўзбекистон олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланган ТИҚХММИга тааллуқли бўлган мисоллар ҳақида тўхталасан-чи? Бу, масалан, “Ахборот инфратузилмасини яратиш — Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжа-


зилмаси лойиҳасида кўрсатиб ўтилган мақсадлар босқимча-босқич назарда тутилди:

- таълим ва ахборот технологияларини бирлаштириш ҳамда шу асосда янги интеграциялашган таълим технологияларини шакллантириш;
- ўқув маълумотларини чекланмаган ҳолда тез ва осон ўзлаштириш қобилиятини ошириш, тез ҳамда манзилли етказиб бериш;
- ўқув машғулотларини ўтказишнинг янги, янада самарали шакллари учун имкониятлар яратиш;
- ўқув материаллари ҳажмларини кенгайтириш (блокларни мослашувчан тарзда тузиш, ўқув серияларини аниқлаш қобилияти каби);
- синфларни тайёрлаш ва ўтказиш учун қулай муҳит яратиш;
- институт ходимлари ва тингловчиларининг касбий фаизлатларини тақомиллаштириш учун қўшимча имкониятлар яратиш.

Шу каби IT-ахборот технологияларини Ўзбекистоннинг бир қатор олий ўқув юртиларида ҳам амалга ошириш назарда тутилган, бироқ уларнинг бардавом ва барқарор ишлашда давом этиши маълумотларни қайта ишлаш марказлари, маълумотларни узатиш тармоқлари, интерфаол ўқув платформаси ҳамда бошқа шаклдаги тегишли техник, услубий, кадрлар масаласидаги ечимларни яратиш ва ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади. Шунингдек, қўшимча smart-класслар, кампуслар, жамоат жойларида мавжуд бўлган уй, яъни smart-технологияларнинг глобал таълим тизимига ўтиши учун зарур бўлган рақамли ёндашуви асос бўлишини талаб этади.

Биз бу борада ҳали қўп ишлашимиз зарурлигини жуда яхши англашимиз керак, чунки шаклланаётган таълимни рақамлаштириш тизимининг ўзига хос хусусияти бу ўқув жараёнида улардан самарали фойдаланиш учун қўп қиррали ёндашувларнинг муҳимлиги, шу билан бирга, талабаларнинг мустақил ва масофавий таълим тизимлари, мамлакатимиз ҳамда жаҳон миқёсидаги таълимнинг ўзаро таъсири, мутахассисларнинг малакалари ва аҳоли ўртасида умумий қўшимча таълим тизимини тақомиллаштириш зарурлигини англамоғимиз даркор.

Рақамли университет ахборот инфратузилмаси



нинг жамият тараққиётига қўшган муҳим ҳиссаси — бу олий маълумотли кадрларни тайёрлашдир” ва саноят цивилизацияси даврида аънавий таълим тизимидagi муаммолардан ҳам хабардоримиз. Хали-ҳануз жамият, иқтисодиёт, ижтимоий тартиб ҳамда бошқа соҳаларни тезкорлик билан ислох қилиш ҳаракатлари тўлиқ амалга соҳанича йўқ. Айниқас, жамиятимиздаги “саноят (синф) таълим” тизимини доимий равишда ислох қилишга нисбатан бўлган уринишлар, жумладан, ахборот-дастурий воситалар, автоматлаштирилган таълим тизимларини кенг жорий этиш орқали замонавий интерфаол ўқув муҳитини таъминлаш, шунинг баробарида, ўқитувчи ва талабанинг бешинчи постиндустриал рақамли инқилоб форматидagi айрим ёндашувларни нотўғри талқин қилиш таълимни шу ҳолатга келтириб қўйгани ҳеч кимга сир эмас.

Постсаноят цивилизациясининг бешинчи технологик йўл воситаларидан фойдаланган ҳолда, турли баҳоналар остида саноят таълимидан фойдаланиш давом эттирмаслик мақсадида

лигини механизациялаш муҳандислари институтининг ўқув платформасида рақамли университет” деб номланувчи лойиҳа шаклида амалга оширилган ишлар, шунингдек, ишончли асос ва шаклга эга бўлган режаларимизнинг ўз тасдиқини тогганлигидир.

ТИҚХММИда келажакдаги “Рақамли университет” — бу замонавий компьютер ва интерфаол ускуналик технологиялар, дастурий таъминот ҳамда ходимлар, лойиҳалар бошқаруви ва талабалар учун ягона комплекс рақамли тизимга қўшилишини аниқлатади.

Бундай лойиҳаларни ишлаб чиқишда асосий мақсадлар:

- таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;
- таълим муассасасининг ягона рақамли муҳитини яратиш;
- замонавий IT-ахборот технологиялари асосида электрон ўқув воситаларини яратиш;
- таълим жараёнида техник воситалар ва дастурий таъминотдан фойдаланиш;
- интерфаол ва масофавий таълим тизимларини ишлаб чиқиш.

Бунда рақамли ахборот инфрату-

гиллаш ва ҳимоя қилишни таъминловчи кенг қўламли инфратузилма ва интернет хизматлари сифатида; **талабаларнинг рақамли ишлари** ўқув жараёнида уларнинг таълим траекториясини ва индивидуализация моделини қўришга қўмаклашувчи талабаларнинг шахсий маълумотлари сифатида; blended learning (**аралаш таълим**)ни қай тарзда рақамли платформаларда ўқитувчи (юзма-юз) ва онлайн таълимни бирлаштирувчи аранлаш турдаги ёндашув шакли эканлиги шулар жумласидандир.

Юқорида келтирилган таълим технологияларининг айрим воситалари ва усуллари жамиятни янги таълим парадигмаларига олиб қиқишда ўтиш даврини англамаган ҳолда самарали қўлашга эришиш мушкуллигини кўрсатади. Биринчи навбатда, бу, таълим берувчи жамоаларга тааллуқли бўлиб, қучли мезон ҳисоблангани ва айни пайтда постсаноят жамиятида ҳар бир ўқитувчининг фаолиятида трансформацияларни юзга келтириши турган гап.

Қуйидаги жадвалда постсаноят жамиятининг янги таълим ғояларига ўтиш истиғини ифодалаган қадриятлар, меъёрлар, мотивлар ва мақсадларнинг қай даражада ўзгарганлигини кўриш мумкин.

лар ҳамда бошқа воситаларнинг юзга келганлиги фикримизнинг далилидир. Ушбу воситалар Ўзбекистонда таълим тизимининг рақамлаштирилиши учун асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бир томондан, бу яхши нишона, иккинчи томондан эса бу, 2030 йилгача олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясида қўзда тутилган бизнинг потенциаллигини, олий таълим муассасаларидаги таълимни рақамлаштиришга нисбатан янги муносабатни амалга оширишда индивидуалликка эришишимизни тақозо қилади.

Хулоса ўрнида, МДҲдаги ҳамкасбларимизнинг янги ривожланиш дастурлари тўғрисида маълумотларидан айримларини келтириш мумкин. Маълумки, 2021 йил 24 майда Россия Федерацияси “Приоритет — 2030” деб номланган янгиланган иккинчи дастури қабул қилди (биринчиси “5 — 100” номи билан 2012 йилда қабул қилинган эди).

Ушбу дастур бугунги кунда таълим тизимини рақамлаштириш устуворлиги ва муҳимлиги жиҳатидан юқори аҳамият касб этади.

Айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда Россия таълим муассасаларида рақамлаштириш жараёни жадал ривожланмоқда. Биз таълим жараёничи ра-

миз. Ушбу омил юқорида айтиб ўтилган “Приоритет — 2030” дастурида қўлағиланидиган мўайян молиялаштириш моделини ўз ичига олади. Албатта, бу алоҳида муҳоамага асос бўладиган мавзудир, аммо бу молиявий моделдаги ёндашувларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтиш янада мақсадга мувофиқдир.

Биринчиси — кафолатланган давлат маблағлари, иккинчиси эса давлат маблағлари, аммо уларни ҳали танлов асосида “излаб топиш” ва ривожлантириш лойиҳасига киритилишига эришиш, учинчиси — бюджетдан ташқари маблағлар, бозор фаолияти, илмий тадқиқотларни тижоратлаштириш каби масалаларни ўз ичига олади.

Молиялаштириш омилли нафақат натижага, балки унинг мавжудлигига бевосита таъсир кўрсатадиган муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида ҳам эътироф этилади.

Дарҳақиқат, ҳаммамизга аёнки, охириги ўн йилликларда ёшларимиз ижобий маънода замон талабларига мос равишда ўзгариб бормоқда. Болаликнинг илк даврлариданок ёшларимиз телефон ва қўндалик ҳаётдаги турли рақамли технологиялар каби рақамли қўрилмалардан фойдаланиш қобилиятига эга эканлиги ҳеч кимга янгилик эмас. Аксарият ҳолларда ёшлар мак-

Таълим парадигмаларининг ўзгариши

Парадигманинг компонентлари	Саноат жамияти	Постсаноят жамияти
Қадриятлар	• Таълим — бу махсус таълим муассасаларида амалга ошириладиган жамоат бойлиги. • Ишлаб чиқариш, касб-ҳўнар таълимни учун таълим.	• Фуқароларни ҳаётга, шахснинг ўзини англашга, шахсий мартабасига, сўнгра жамият ва саноат манфатларига мос равишда тарбиялаш. • Таълим индивидуал таълим хизмати сифатида амалга оширилади. • Таълимнинг исқодий, умр бўйи давом этиши, инсон ҳаёт тақрибасида ўз тасдиқини топади.
Мотивлар	• Талабаларга бурч, фазилатларни ўргатиш. • Ўқитувчининг фаолият қисми бурчининг махсуслиги сифатида. • Оптимал ўқув муҳити, яъни гуруҳлар.	• Таълимнинг билим олишга қизиқиши, натижаларга эришишдан завқланиши. • Ўқитувчининг ўқувчиларни ривожлантиришга қизиқириши, улар билан музоқот қилишдан завқланиши. • Оптимал таълим муҳити бу гуруҳлар эмас, балки онлайн жамоаларлар.
Нормалар	• Талабаларнинг ўқитиш учун жавобгарлик ўқитувчи зиммасидалиги. • Ўқитувчининг обрўси масофани сақлаш орқали сақланади, талабалардан интизом ва меҳнатсеварлик талаб қилинади.	• Таълим одувчи ўзининг ўқиниш учун жавобгарлигини ўз зиммасига олади. • Ўқитувчининг обрўси унинг шахсий фазилатлари ва касбий хизматлари тўғрисида яратилади.
Мақсадлар	• Ўқитишнинг илмий билимларни эгаллашга йўналтирилганлиги. • “Ҳаёт учун захира” сифатида ёшларга ўқитиш.	• Таълимнинг асосий йўналиши инсон маданиятини, жумладан, таълим, ижтимоий, фуқаролик, касбий ва бошқа компетенцияларни эгаллашга қаратилганлиги. • Ҳаёт давомида ўқитиш.
Таълим жараёнида иштирокчиларнинг позициялари	• Ўқитувчининг билимлар етказиши. • Ўқувчилар устидан устоз назорати.	• Ўқитувчи ривожланаётган шахсий таълим муҳитини ҳамда мустақил таълим олиш учун шартон яратиши. • Таълим мазмунини ва унинг фойдали элементлари ўқитувчи томонидан олинган берилаётганлиги, улар ўқитувчи, талабалар, мутахассислар ҳамда дунё ўқитувчилари жамоалари ҳамкорлигида ва ҳаммуаллифликда яратилиши кераклиги.
Шакллари ва усуллари	• Иерархик ва авторитар усуллар. • Ўқув фазилатининг барқарор таркиби. • Ўқув жараёнини ташкил этишнинг барқарор шакллари. • Ўқитувчининг раҳбарлиги остида аудитория машғулотларида алоҳида эътибор қаратилиши.	• Индивидуал таълим траекторияси. • Мавжуд модули жаҳон интеллектуал ресурсларидан фойдаланиш. • Ўз-ўзиндан режалаштирилган таълимга эътибор қаратиш.
Воситалар	• Ўқитишнинг асосий воситаси — бу дарслик. • Ўқув стандартлари ва лаборатория шилари.	• Ўқув дастури қучли глобал таълим ресурслари, тармоқли экспертлар ҳамжамиятининг салоҳияти ва ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари имкониятлари билан тўлдирилганлиги.
Таълим сифатини мониторинг қилиш ва баҳолаш	• Мониторинг ва баҳолаш асосан, ўқитувчи томонидан амалга оширилиши.	• Ўқувчиларнинг ўзини ўзи бошқариш ва қадрлашларига эришиш. • Профессонал жамоалар, ҳукумат, бизнес ва таълим сифатини баҳолашда иштирок этишга эришиш. • Таълим оммавий муҳоама этилиши ва таъқидни тўғри қабул қилишга тайёрлигига эришиш.

Албатта, постсаноят жамиятида тақдим қилинаётган таълим парадигмаси бешинчи технологик услубнинг турли воситалари билан амалга оширилиши эҳтимоли йўқ эмас. Фақат smart-таълим макomini таълим технологияларининг тури, тавсифи ва мазмунини, ўқитувчи, талаба, эксперт жамоалари, АҚДдан фойдаланадиган таълим жараёнидаги долзарблиги ҳамда ўрни, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари, ижтимоий технологиялар — outsourcing (аутсорсинг) ва бошқалар тимсолида “боғлаш” зарурлиги мамлакатда таълимни давлат томонидан тартибга солишни назарда тутган ҳолда тегишли қўлланма асосида ёндашишни талаб қилади. Бирок ҳамма нарса тўлгандай оддий бўлавермаслигини англаш муҳимдир, чунки “технологик воситалар” тушулмаси кишиларни бугунги ҳаётда эскирган таълим парадигмаси орқали ўқитишдан воз кечишга эришишга етаклайди.

Мавжуд парадигмаларини ўзгартириш ва бартараф этиш учун аҳолий восита, бу ишлаб қилиш намуналари ҳисобидан, “Moodle” виртуал таълим муҳити тизими, “Zoom” видеоконференциялар дастурлари, ўқитувчилар жамоаси томонидан тайёрланган “Youtube”даги қўллаб видео маъруза-

қамлаштириш мақсадида радикал усуллар янги имкониятларни сафарбар қилишимиз зарурлиги юзга келган таълим воситалари билан амалга оширилиши эҳтимоли йўқ эмас.

Дунёда мавжуд бўлган технологиялардан келиб чиққан ҳолда, ИТТ (индивидуал таълим траекториялари) аллақачон Ўзбекистон таълим тизимига яқинлашаётганлиги рост бўлсада, биз олий ўқув юртиларининг ўқув жараёнида ҳар бир талабанинг қай шакли ва қандай мазмунни ўзлаштираётганлигини, таълимда нималарни ўрганишни истишани ҳисобга олишни унутмаслигимиз зарур.

Аммо техник жиҳатдан таълимни рақамлаштирмасдан туриб турли ташкил қилишнинг илоҳи йўлигини сиз ва биз теран равишда англаб туриб-

таблардаги компьютер фанида ахборот технологиялари ҳақида дастлабки билимларга эга бўлади, 10, 11-синфларда эса қўпчилик ўрганувчилар рақамли компонентлар бўйича қисқа муддатли курсларни тугатишга ҳам муваффақ бўлишмоқда.

Маълумки, кейинги 20 — 25 йил мобайнида олий мактаб ўқитувчилари жамоаси рақамлаштиришнинг асосий воситалари бўлиши компьютер технологиялари дастурларини, “Moodle” ва “Zoom” ўқув веб-дастурларини тўлиқ ўзлаштириш олишга эришиш, қўпчилик ўқитувчилар мустақил равишда самарали ҳамда замон талабига мос равишда видео-машғулотларни ёзиб олишга ҳам муваффақ бўлишди.

Шубҳасиз, йигирма йил олдин яратилган стратегик мақсадларга деярли тўлиқ эришилди, десак, муболаға бўлмайди. Аммо биз шу кунгача қўлга киритган муваффақиятлардан келиб чиққан ҳолда, статистиканинг бизни тинчлантирувчи ҳолатига қўниқшимиз мумкин эмаслигига туртки беради. Ягона мақсад сари интилимимизда ўз йўлимизда адашиб қолмаслигимиз учун биз олий таълимда “рақамлаштиришда сакраш”га эришмоғимиз талаб қилинади.

Ўқтам УМУРЗОҚОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори, Республика олий таълим кенгаши раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси кузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 24 989 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўёғмаалар тақдир қилинмайди ва муаллиф